Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 21 (8.756) ◆ 1996 йил ◆ 19 февраль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ РОССИЯЛИК ЖУРНАЛИСТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СУРАТДА: қабул пайти.

Р. Шагаев олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 февраль куни республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни билан танишиш мақсадида мамлакатимизга ташриф буюрган россиялик журналистларни қабул қилди.

Маълумки, Россия матбуоти вакиллари бир неча кун мобайнида Ўзбекистон вилоятлари ва шаҳарларида бўлиб, мамлакатимизда ислоҳотларнинг бориши, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ўзгаришлар билан яқиндан танишдилар.

Президент Ислом Каримов россиялик журналистларнинг ташрифи, бу ерда ўтказган учрашувлари ҳамда мулоқотлари Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Журналистлар Ўзбекистон ҳаёти билан танишиш имкониятини яратгани учун республика раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.Учрашувда россиялик журналистларнинг мамлакатимиз бўйлаб сафари, ҳақиқатан ҳам, қизиқарли ва фойдали бўлгани таъкидланди.

Президент Ислом Каримов уларнинг республикада ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятни демократиялаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ҳамда барқарорликка эришиш ва бошқа соҳалар билан боғлиқ кўплаб саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ИЖОДИЙ РЕЖАЛАР

Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасида кенгаш мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ўтган 1995 йилда Театр арбоблари уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда ўтказилган фестиваллар, кўриклар, жумладан «Наврўз арафасида — 95» республика театрлари анжумани, Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган кўрик-фестиваль, V анъанавий қўғирчоқ театрларининг фестивали ва талайгина ижодий-юбилей кечалари ўтказилганлиги ҳақида уюшма раиси Бернора Қориева ҳисобот берди.

Кенгаш аъзолари — Тошкент ва вилоят театрларининг таниқли артистлари, олимлар, танқидчилар, Республика актёрлар уйи ходимлари сўзга чиқиб Театр арбоблари уюшмаси олдида турган режалар ҳақида гапирдилар. Қатнашчилар айниқса, бобокалонимиз Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган спектакларнинг кўриги, Республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзусидаги пьесаларни кўпроқ саҳналаштириш, умумхалқ байрами — Наврўзга тайёргарликни кучайтириш, уюшма қошидаги тажрибатикув комбинати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан буюртмаларни тез ва сифатли бажариши лозимлиги ҳақида қизғин фикр юритдилар. Шунингдек, кенгашда «Театр Буюк ипак йўлида» деб номланган Германия ва Марказий Осиё давлатларининг театр арбоблари ҳамкорликда тайёрлаётган анжуман, Халқаро хотин-қизлар, Халқаро театр кунларини ўтказиш тадбирлари, Театр арбоблари уюшмаси қошида ташкил этилаётган Ўзбекистон театрлари маданий маркази ҳақида ҳам сўз юритилди.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ.

БУГУНГИ КУН «ТО» НАФАСИ

МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмиталарининг мажлиси бўлди.

❑ Республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг кенгайтирилган мажлисида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичи вазифаларини бажаришда хотин-қизлар ташкилотларининг иштироки масаласи кўриб чиқилди.

❑ Халқ депутатлари Тошкент тумани кенгаши сессиясида Рустам Акбаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Илгари Қибрай тумани ҳокими бўлиб ишлаб келган Акбарали Йўлчиев Тошкент тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

❑ Хоразмда вилоят радиосининг 60 йиллиги тантанали нишонланди.

❑ Ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида мамлакатимизда иккинчи Ахборот агентлиги таъсис этилди. У хорижий мамлакатларга Ўзбекистон тўғрисида материаллар тайёрлаш билан бир қаторда турли нашрлар чоп этади. Агентликнинг турли чет эл мамлакатларида ўз мухбирлари бўлади.

❑ Жиззах шаҳрида «Кўктем» (Кўклам) қозоқ театри очилди.

❑ 16 февраль куни Валюта биржасида бўлиб ўтган савдода 1 АҚШ долларининг қиймати 36 сўм 20 тийин даражасида қайд этилди.

❑ Тошкентда Шимолий Корея киноҳафталиги бошланди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Бугун Озарбайжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг Грузияга икки кунлик ташрифи бошланди. Тбилисида Каспий нефтини Грузия орқали хорижга етказиб берадиган нефть қувури қурилиши тўғрисидаги Озарбайжон — Грузия шартномаси имзоланиши кўзда тутиляпти.

❑ Кеча Москвага келган ҒФР канцлери Гельмут Коль бугун Россия Президенти билан музокаралар ўтказади. Унинг ушбу ташрифидан асосан Борис Ельциннинг сайловолди кампаниясини қўллаб-қувватлаш мақсади кўзда тутиляпти.

❑ Чеченистоннинг Янги Грозненск шаҳри атрофида дудаевчилар билан Россия федерал қўшинлари ўртасида жанглар бошланиб кетди. Кечанинг ўзида бу ерда федерал қўшинларнинг беш нафар аскари ўлдирилди, ўнлаб ҳарбийлар ярадор бўлди.

❑ Шу йил бошига келиб Беларуснинг ташқи қарзи 1,5 миллиард АҚШ долларига етди.

❑ Россия парламенти юқори палатаси — Федерал Кенгашининг раиси Егор Строев Ҳамдўстлик Давлатлараро парламенти ассамблеяси кенгашининг раиси этиб сайланди.

❑ Россия собиқ Бош прокурори вазифасини бажарувчи бўлган Алексей Ильюшенкога нефть сотишга ихтисослашган «Балкар — трейдинг» компанияси билан муносабатларда хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги ва пора олганлиги айблари қўйилиб, у ҳибсга олинди.

ХОРИЖДА

❑ Брюсселда эълон қилинган расмий маълумотларга кўра 1998 йилда дастлабки Шарқий Европа мамлакатлари НАТОга аъзо қилиб қабул қилиниши режаланган.

❑ АҚШда Владимир Жириновскийнинг Россия либерал-демократик партияси минтақавий ташкилоти расмий рўйхатга олинди.

❑ Ўтган куни Италия пойтахти Римда Босния бўйича аҳдлашув бажарилиши муҳокамасига бағишланган шошилинч кенгаш очилди. Унда собиқ Югославия бўйича халқаро боғловчи гуруҳ вакиллари билан биргаликда Босния, Хорватия ва Сербия президентлари иштирок этмоқдалар.

❑ Кеча Лондонда содир этилган яна бир террорчилик оқибатида уч киши ҳалок бўлди.

❑ Жазоир пойтахтида содир этилган иккита портлаш 12 кишининг жонига зомин бўлди.

❑ Хитойнинг Сичан космодромидан алоқа йўлдошини учиришга уриниши муваффақиятсиз тугади. Алоқа йўлдошини космик фазога олиб чиқиши керак бўлган энг янги турдаги «Буюк юриш — 3В» ракетаси учирилгандан сўнг бир неча дақиқа ўтгач портлаб кетди. У қулаб тушган жойда тўрт киши ҳалок бўлди, юздан ортиқ одам жароҳатланди.

ЭЪТИБОРГА МОЛИК ИШЛАР

Кейинги йилларда ildизлари узоқ ўтмишларга бориб тақаладиган удумларимиз, миллий-маънавий қадриятларимиз, ҳаётбахш бой маданий меросимизнинг халқимиз ҳаётига тобора сингиб кетаётганлигини ҳар жабҳада кўришимиз мумкин.

Барча туманларда бўлгани каби Чилонзор туманида ҳам Ийд Рамазон ҳайитига тайёргарликлар борасида кўп эзгу ишлар бажарилди. Туман маҳаллалар иши бўйича бўлим мудири Нуршод Ғиёсов шу хусусда қуйидагиларни гапириб берди:

— Маҳаллаларда маънавиятни кўтариш, қадимий урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш йўлида олиб борилаётган ишларни давом эттириш мақсадида катта тайёргарлик кўрилди. Албатта бу ишларни амалга оширишда туман ҳудудида жойлашган ташкилот, корхона, идора ва мактабларнинг ёрдамларига суяндик. Энг аввало тозалик тадбирларига катта эътиборни қаратдик. Шунинг учун туманимиз бўйича катта ҳашар ташкил этилди. Бу ҳашарга барча маҳаллалар қатнашиб, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш, зироатлантириш, ариқларни тозалаш, кўп қаватли уйлар, йўлакларни тартибга келтириш каби ишлар амалга оширилди. Қабристон, масжидлар тозаланди.

90 ёшдан ошган қарияларнинг уйларига бориб уларнинг ҳолидан хабар олинди. Ҳудудимиздаги 22- ва 23-меҳрибонлик уйларида бўлиб, у ердаги тарбияланувчиларга турли совға-салом, мева, ширинлик, кийим-кечаклар топширилди.

Ҳайит куни ҳудудимизнинг кўзга кўринарли майдонларида, хиёбонларида катта савдо расталари ташкил этилади. Шунингдек шу кунлари маҳаллардаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришни режалаштирганмиз.

Режалаштирилган ишларни амалга оширишда «Совпластитал» қўшма корхонаси, «Инкофонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Кока кола» ва бошқа меҳнат жамоалари яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Доно ЗАРИПОВА.

МАЛАКА ОШИРИШДИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институтида Тошкент шаҳри ва вилояти тармоқ касаба уюшмаси туман, шаҳар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, республика Фанлар академияси илмий-текшириш институтлари касаба уюшмаси қўмиталари раисларининг уч кунлик ўқуви ўтказилди.

Ўқув жараёнида мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг республика касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувда улар олдига қўйган вазифалар асосида касаба уюшмалари фаолиятини янада кучайтириш, Ўзбекистон касаба уюшмалари ва тармоқ касаба уюшмаси Низомларига киритилган ўзгартишлар ва бу борада тармоқ касаба уюшмаси қўмиталарининг ўз доираларидаги вазифалари, Президент Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси тўғрисидаги қонун, ҳукумат қарорларини ҳаётга тадбиқ этишда маҳаллий ҳокимият, халқ таълими органлари, ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари раҳбариятлари билан касаба уюшмаси қўмиталарининг ҳамкорликда олиб бораётган иш тажрибалари муҳокама этилди.

Асқарали СУЛТОНОВ.

ҲАМКОРЛИК ҲАММАГА ЯРАШАДИ

«Чорсу» спорт-соғломлаштириш мажмуасини бунёд этишга республикамиздаги кўплаб йирик қурилиш ташкилотлари жалб этилган. Айни кунларда бу ерда ерни тайёрлаш ишлари олиб борилаяпти. Шунинг билан бирга жар ёнидан ўтган ариқлар муаммосини ҳашарга келган «Ўзсувқурилиш» трестига қарашли «Жиззахчўлқурилиш»нинг 34-механизациялашган кўчма колоннага қарашли хўжалик ҳисобидаги бўлинма қурувчилари ҳал этишмоқда. Чунки бу ариқлар бўладиган ўйингоҳнинг қоқ ўртасидан ўтиши мумкин экан. Бунинг иложини топган мутахассислар бетон қувурлардан фойдаланиб, ёпиқ ариқлар ташкил этишаётир. Бу ариқларнинг жуда мустаҳкам бўлишига улар алоҳида эътибор беришмоқда. Ҳар бир бажарилаётган ишга бўлинма бошлиғи Эркин Турсунов бош-қош бўлмоқда.

Жамоага қарашли бўлган 10 та экскаватор, 8 та бульдозер, 2 та автокран, умуман 75 та автомашина ва бошқа техник хизматлардан унумли фойдаланишаётир.

Гулбаҳор МЎМИНОВА.

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

○ ЯНГИЛИКЛАР ○ ВОҚЕАЛАР ○ ХАБАРЛАР

ТОШКЕНТНИНГ ЯНГИ САМОЛЁТИ

Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида йиғилган янги, замонавий Ил—114 самолётининг синов ишлари ниҳоясига етмоқда. Янги самолёт маҳаллий йўналишларда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган бўлиб, тежамкорлиги ва бир қанча юқори техник кўрсаткичлари билан шу русумдаги бошқа самолётлардан устун туради.

Самолёт махсус қопламасиз кичик майдонларга ҳам учиб-қўниши мумкин. Унга кам шовқинли двигателлар, энг замонавий электрон бошқарув компьютерлари ўрнатилган бўлиб, бортига 5 тоннадан кўпроқ юк олиши мумкин.

Янги самолёт аллақачон бир неча халқаро авиакўргазмаларда намойиш этилиб, кўплаб хорижий мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Бир қанча давлатлар эса ушбу самолётлардан кўплаб сотиб олиш истагида унинг ишлаб чиқарилишини кутиб туришибди. Бунга сабаб шуки, яқинда ушбу самолёт Москвадан Теҳронгача ерга қўнмасдан учиб борди. Бу кўрсаткич ҳам мижозларнинг диққатини ўзига жалб этди.

Шу йилнинг ўрталарига бориб самолётдаги барча синов ишлари ниҳоясига етказилиб, уни кўплаб ишлаб чиқаришга ўтилади.

Ботир ҲИДОЯТОВ.

Ижтимоий адолат — амалда

ОМОНАТЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Бозор муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий адолатга қатъий амал қилиш Президентимиз ва ҳукуматимиз сиёсатининг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12 февралда қабул қилган «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бунинг ёрқин далилидир. Мухбиримиз Мирзо Улуғбек туман Халқ банки бошқарувчиси Давлатназар Саъдуллаевга мурожаат қилиб, туманда ушбу қарор асосида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Республикамиз Президентининг «Аҳолининг омонатлардаги ва давлат суғуртаси бўйича пул маблағларини индексация қилиш тўғрисида» 1995 йил 20 декабрдаги Фармони эълон қилингач, уни бажариш юзасидан ишларни бошлаб юборган эдик. Натижада индексацияга тушадиган омонатлар бўйича барча ҳисоб-китоб ишларини 25 январгача бажариб бўлдик, — деди Давлатназар Рўзметович. — Вазирлар Маҳкамасининг 12 февралда қабул қилган қарорига асосан бу борадаги ишларимизнинг навбатдаги босқичи бошланди. Аввало ушбу қарор жамоамизда атрофлича, ҳар томонлама синчиклаб ўрганиб чиқилди ва уни амалга тадбиқ этиш ишлари бошлаб юборилди. Бўлимларимизга келаётган мижозларга аниқ ва пухта маслаҳат бериш ҳамда уларга навбатсиз хизмат кўрсатиш тадбирлари амалга оширилди.

Туманимизда халқ банкининг ҳаммаси бўлиб 31 та бўлим ва битта махсус марказий муомала бўлими мавжуд. Шулардан 20 тасида аҳоли омонатларини индексациялаш бўйича индексацияга тушган омонатлар бўйича мижозларга хизмат кўрсатиш ойналари ташкил этилди.

Шу кунгача индексация қилиниши лозим бўлган барча шахсий варақалар қайтадан ҳисоб-китоб қилиб бўлинди. Шу йил 15 февралдан омонатчиларга индексацияланган янги омонат дафтарчаларини ёзиб бера бошладик.

Туман халқ банкида мухбиримиз кўпгина омонатчиларни учратиб, ҳукуматимизнинг ана шу тадбири юзасидан уларнинг мулоҳазаларини ҳам ёзиб олди:

Минавар ЖАЛИЛОВА: Яхши ният билан фарзандларимнинг тўйида ишлатарман, деган ниятда бир неча минг сўм пулни жамғарма банкига ўтказиб қўйгандим. Собиқ Иттифоқ тарқагач, энди бу пуллар ҳам йўқ бўлиб кетди, деб юргандим. Ҳукуматимизнинг аҳолининг омонатлардаги маблағларини индексациялаш ҳақида қабул қилган қароридан беҳад хурсанд бўлдим.

Любовь КОНОВАЛОВА: Инсон ҳаётида нималар бўлмайди. Яхши кун ҳам, ёмон кун ҳам бор. Яхши-ёмон кунимда яраб қолар, деб 10 минг сўмга яқин пулимни жамғарма банкига қўйган эдим. Замонлар ўзгариб кетди. Энди у пулларни бизга қайтариб беришади, деб хаёлимга ҳам келтирмагандим. Ҳукуматимизнинг одилона сиёсати туфайли ушбу қарор юзага келди. Менинг омонат дафтарчамдаги пулим ҳозир 40 минг сўмга етибди.

Мавлуда МИРЗАЕВА ёзиб олди.

СУРАТЛАРДА: халқ банки бўлимларида аҳолининг омонатларини индексациялаш ишларидан лавҳалар.

Рашид Ғалиев олган суратлар.

Спорт

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ МАМЛАКАТИ БЎЛАДИ

17 февраль куни Ўзбекистон футбол федерацияси-нинг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими, Ўзбекистон футбол федерациясининг вице-президенти Козим Тўлаганов очди. Ўзбекистон футбол федерацияси президенти, республика ички ишлар вазири Зокир Алматов маъруза қилди.

Маърузачи ҳамда музокаралар сўзга чиққан республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг директори И. Ғиёсов, «Пахтакор» жамоасининг бош устози Ханс Ферел ва бошқалар Ўзбекистонни футбол мамлакатига айлантириш учун кўрилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирдилар. Бунда айниқса Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги мамлакатимизда футболни тубдан тараққий эттириш тўғрисидаги қарори жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Республикада спортнинг бу энг оммавий турини жадал ривожлантириш учун кўпдан-кўп муаммоларни ҳал этиш талаб этилади. Шунинг учун футболни ривожлантиришда турли вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар, жумладан спорт ташкилотлари ва халқ таълими муассасалари, ҳомийлар куч-ғайратларини бирлаштириш талаб этилади.

Ҳукумат қарорида кўзда тутилганидек, футбол клубларини ташкил этиш жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлгани каби бизда ҳам профессионал жамоалар маҳоратларини ошириш, уларни турли халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишларини таъминлаш, молиявий муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Конференцияда ўтган йилги футбол мавсуми якунларига кўра энг яхши жамоаларга совғалар топширилди. Мукофотланганлар орасида «Нефтчи», «Пахтакор», Марказий армия спорт клуби, «Политотдел» жамоалари бор. Бир гуруҳ ҳакамларга эса «ФИФА ҳаками» унвони берилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Алишер Азизхўжаев иштирок этди.

ҚИТЪА МУСОБАҚАЛАРИ ЯКУНИ

16 февраль куни республика жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасида Хитойнинг Харбин шаҳрида бўлиб ўтган 3-қишки Осиё ўйинларида қатнашган спорт делегацияси билан учрашув ва матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг раиси, делегация раҳбари Баҳодир Махситов 3-қишки Осиё ўйинларида 10 нафар спортчимизнинг қатнашуви ҳамда улар эришган натижалари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Вакилларимиз ўйинлар дастуридаги 3 хил спорт тури бўйича мусобақаларда қатнашдилар. Чирчиқлик Сергей Бренер фристайл акробатикасида учинчи ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритганлигини хабар қилган эдик. Қолган натижалар эса қуйидагича: музда фигурали учиш бўйича аёллар мусобақасида Татьяна Малинина иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль соҳибаси бўлди. Тоғ чанғиси бахсларида Комил Ўрумбоев тўққизинчи, Элмира Ўрумбоева ўн иккинчи ўринларни эгалладилар.

Қитъа қишки ўйинларида илк бор энг кўп иштирокчи, яъни 16 мамлакатдан 465 нафар спортчи қатнашди. Энг катта делегациялар — Хитой (186 киши), Япония (180 киши) ва Қозоғистон (139 нафар) терма жамоалари бўлди. Асосий кураш ҳам улар ўртасида борди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Хитой, иккинчи, учинчи ва тўртинчи ўринларни мос равишда Қозоғистон, Япония ва Корея жамоалари банд этишди. Ўзбекистонлик спортчиларга эса 5-ўрин насиб этди.

— Кам сонли жамоа билан бу натижага эришганлигимиз ва қолган 11 мамлакат спортчилари эса биронта ҳам медаль ололмаганликларини ҳисобга олсак, бу чакки кўрсаткич эмас, — дея таъкидлади Баҳодир Махситов.

Матбуот конференциясида шунингдек, Республика Миллий Олимпия Қўмитасининг президенти Собиржон Рўзиев, спорт мутахассислари ва мураббийлар ҳам қатнашдилар.

Беҳзод ЭҒАМОВ.

Ишбилармонларнинг сиртки мактаби

БОЗОРНИНГ АСОСИЙ ДАСТАКЛАРИ

Товар инсон меҳнати натижасида бозорда айирбошлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот бўлиб, эҳтиёжларни қондиради. Нарсанинг фойдалилиги уни истеъмол қийматига айлантиради ва ундан фойдаланишда намоён бўлади. Товар ҳар доим меҳнат маҳсулидир, аммо товар бўлиши учун маҳсулот бозорда сотилиши зарур. Бир товарни иккинчи товарга айирбошланишига унинг алмашув қиймати дейилади. Масалан, бозорда уч хил товар бир-бирига тенглаштирилмоқда: 870 килограмм гўшт, 9 жуфт оёқ кийим ва 10 метр мато. Хўш, бу мисолда нимани кўряпмиз? Биринчидан, айирбошлашда бир-биридан фарқ қилувчи маҳсулотлар қатнашмоқда, демак, истеъмол қиймати асосида товарлар бир-бирига тенг эмас; иккинчидан товарлар турли ўлчовларда ўлчанмоқда (килограмм, метр). Демак ўлчов нуқтаи назаридан улар ўлчовдош эмаслар. Унда бозордаги маҳсулотларнинг ҳаммасига умумий бўлган хусусият нима? Бу унинг қийматидир, яъни уни ишлаб чиқаришга сарф бўлган меҳнатдир. Демак, алмашув қиймати, қийматнинг намоён бўлувчи шаклидир. Қиймати асосида товарлар ўлчовдош ҳисобланади ва улар айирбошланади.

Бозорда аввало икки инсон — сотувчи ва харидор муносабатга кирганлиги учун товарлар айирбошланади. Шунинг учун қиймат товар эгалари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни акс эттиради. Шундай қилиб товар икки хоссага эга, яъни истеъмол қиймати ва қийматнинг бирлигидан иборат, аммо бу бирлик зиддиятлидир. Товар ишлаб чиқарувчилар қўлида қиймат сифатида, сотиб олувчилар қўлидалигида эса истеъмол қиймати сифатида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам товар сотилмаса, у қиймат сифатида ҳам, истеъмол қиймати сифатида ҳам тан олинмаган бўлади. Ушбу зиддият товарларнинг кераклича, сифатли ва арзон ишлаб чиқарилиши орқали ҳал этилади.

Шуни ҳам таъкидламоқ жоизки, бозор баҳосининг асосини унинг қиймати, яъни ишлаб чиқариш соҳасида сарф этилган меҳнат сарфлари ташкил этади. Муомала соҳасида эса унга баҳо омиллари таъсир кўрсатади ва пировард баҳо шаклланади. Хўш, товар миқдори қандай ўлчанади? Бунга қиймат қонуни жавоб беради. Унга мувофиқ товарнинг бозор (ижтимоий) қиймати унга сарф қилинган ижтимоий зарурий иш вақти билан белгиланади. Ишлаб чиқарувчилар алоҳидалашганлиги учун ҳар бир товарни ишлаб чиқаришга сарфланган иш вақтини тўғридан-тўғри (соатларда) ҳисобга олиш мумкин эмас. Товар хўжалигида бу харажатларни билвосита ўлчайдиган восита — пулдир. Қиймат қонуни баҳо қонуни сифатида ҳаракат қилади. Агар товарнинг қиймати ўсса шунга мувофиқ унинг баҳоси ҳам ўсади ва аксинча. Бу қонун товар ишлаб чиқаришни тартибга солади, ишлаб чиқариш унумдорлиги ўсишини ва харажатларнинг доимий пасайишини рағбатлантириб туради.

Товарнинг икки хоссаси борлиги сабабли, унда гавдаланган меҳнатнинг иккиёқлама характерда эканлиги келиб чиқади.

Саноат, қишлоқ хўжалиги ёки бошқа ишлаб чиқаришга алоқаси бўлган ҳар бир инсон, сарф қилаётган меҳнатини маълум нафли аниқ шаклда сарфланаётганлигини кўради. Ҳозирги саноат ишлаб чиқаришида минглаб касблар ва мутахассисликлар мавжуд бўлиб, уларнинг мажмуасида ижтимоий меҳнат тақсимоти намоён бўлади. Ҳар бир алоҳида олинган товарда аниқ меҳнат мужассамлангандир. Масалан, костюмда йигирувчилар, тўқимачилар, тикувчилар (ҳаммаси бўлиб 250 га яқин мутахассисликлар), нонда новвой, тракторчи, комбайнчи, ҳайдовчи, тегирмончи ва бошқалар. Меҳнат турлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, тикувчининг меҳнати новвойнинг меҳнатидан фарқ қилади, чунки биринчиси костюм яратади, иккинчиси эса нон. Инсон меҳнатининг умуман сарфланиши нуқтаи назаридан, яъни инсонни жисмоний, маънавий руҳий энергияси нуқтаи назаридан тикувчи ва новвойнинг меҳнати бир хилдир. Бу ҳол эса, товарда гавдаланган меҳнатни икки ёқлама характерга эга эканлигидан далолат беради, яъни:

а) аниқ меҳнат, қанчалик у хилма-хил бўлса шунчалик жамиятнинг бойлиги кўп бўлади.

б) умуман инсоннинг меҳнати, жисмоний ва ақлий энергияси сарфи-абстракт меҳнатдир.

Конкрет меҳнат товарнинг истеъмол қийматини, абстракт меҳнат товарнинг қийматини яратади. Шуни таъкидламоқ керакки, ишлаб чиқарувчининг меҳнатини икки ёқлама характерга эга эканлиги товар хўжалигига хос бўлган асосий зиддият, яъни хусусий ва ижтимоий меҳнат ўртасида зиддият билан шартлангандир.

Бир тарафдан товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати, унинг иқтисодий алоҳидалашганлиги сабабли, унинг шахсий иши (жумладан, алоҳида меҳнат жамоасининг иши) ҳисобланади. Товар ишлаб чиқарувчиларнинг ҳар бири нимани, қандай ва кимга ишлаб чиқаришни ўзи ҳал этади. Бунда хусусий меҳнат намоён бўлади. Иккинчи тарафдан алоҳида товар ишлаб чиқарувчининг меҳнати у яратган товарга эҳтиёжи бўлган бошқа инсонлар учун зарурдир, шу нуқтаи назардан у ижтимоий характерга эга ва товарнинг қийматини яратади.

Ражаб МУСУРМОНОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Иқтисодиёт институти аспиранти.

Тошкент тажриба таъмирлаш ҳиссадорлик жамиятининг моҳир токари Муслим Зокиров йигирма йилдан бўён шу ерда меҳнат қилади. Деталларни тиклаш цехида у самарали ишлаш билан бир қаторда етук шогирдлар ҳам тайёрлаш борасида бош-қош бўлаётир.
СУРАТДА: Муслим Зокиров.

Усмон Усмонов олган сурат.

1996 йил — Амир Темур йили

«... ЭЛНИ ТАРХОН ҚИЛУРМИЗ»

Буюк бобокалонимиз Амир Темур даврида фан-маданият тараққий этиши, катта ободончилик ишлари олиб борилиши билан бирга, хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ҳам ривожланган.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, соҳибқирон саройига Миср, Фарангистон, Дашти Қипчоқ, Испания ва араб мамлакатларидан, Шарқий Туркистондан жуда кўплаб элчилар келиб туришган. Амир Темур, айниқса Турон атрофидаги бадавлат давлатлар билан савдо муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. Узоқ йўл босувчи савдогарлар сафарини енгиллаштириш мақсадида мамлакат ҳудудларидан ўтадиган барча карвон йўллари ёқаларида карвонсаройлар қуриб, уларда савдо ходимлари учун барча қулайликлар яратилган. Темур салтанати Буюк Ипак йўлининг энг серқатнов, сердаромад, гавжум ва осойишта қисми ҳисобланган. Чунки катта йўлларда соқчилар савдогарлар ва саёҳатчиларни қўриқлаган, уларнинг олиб кетаётган моллари талон-тарож қилинмаслигини таъминлаган, йўқолган ва ўғирланган нарсалар учун ҳеч қандай шафқат бўлмаган.

Темур ўз давлати чегараларининг дахлсизлигини ҳам мустаҳкам ҳимоя этган. Мамлакат чегараларидан олиб чиқиб кетилаётган ёки аксинча олиб кирилаётган маҳсулотлар мунтазам равишда текширув жойлари орқали ўтказилган ёки чиқарилган, Клавихонинг ёзишича, махсус рухсатномаси бўлмаса ҳеч кимга Амударёнинг жанубий қирғоғига сузиб ўтишга рухсат берилмаган. Кимки агар Самарқанддан Амударё орқали қайиқларда рухсатсиз чиқиб кетишга ҳаракат қилса ёки товар маҳсулотларини рухсатсиз олиб чиқиб кетишга уринса, махсус текширув бўлимларида улар тўхтатилган. Ноқонуний бўлса қўлга олиниб, қаттиқ жазоланган. Мақсад ҳеч ким бу ердан ўғирлик қилиб қочмаслиги, мамлакатнинг, халқнинг мол-мулкини талон-тарож қилиб, бошқа мамлакатларга ўтиб кетишига ёки бошқа юртдан кириб келишига йўл қўймаслик эди. Бу тўғрида соҳибқиронинг мана бу сўзларини эслаш жоиздир: «... Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар. Ўғри ва қароқчиларни жазоласинлар, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар. Атрофдан кирганчиққан мол-мулк, четдан кирган ва четга чиқадиган ёт кишилар, ҳар қандай мамлакатдан келган карвонлар, ҳукмдорлик ҳақидаги хабарлар, қўшни подшолар, уларнинг гаплари, фикр-мулоҳазалари, ишлари ва узоқ ўлкалардан бўлиб, менинг даргоҳимга юзланган уламо, фузало ҳақидаги батафсил фикрларни-хабарларни (хабарнавислар) ростлик, тўғрилик билан менга етказиб турсинлар. Хабарларни кунма-кун, ҳафтама-ҳафта, ойма-ой менинг арзимга етказиб турсинлар».

Мазкур вазифаларни бажармоқ учун ҳар бир шаҳар ва қишлоқда қалъа бошлиғи тайинланган, улар сипоҳ ва раиятга соқчилик қилганлар. Ва яна йўл устига кузатувчилар, зобит (идора этувчи, бошқарувчи, қўшин бошлиғи) лар тайинланиб, улар йўлларни қўриқлаб, ўткинчилар, савдогарлар, мусофирларни кузатиб, молмулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилга етказиб қўйганлар. Йўл устида бironтасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавоб бериш уларнинг зиммасида бўлган.

Амир Темур даврида мамлакатнинг улуфа (озиқ-овқат, маош ва солиқлар тури) бериш қуйидагича эди: амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбоши ва сипоҳийларга ушбу тартибда маошлар белгиланган эди. Оддий сипоҳийга (аскарга) ўз вазифасини ўринлатиб, садоқат билан бажариш шарти билан маоши минган отининг баҳоси билан тенг бўлган, Баҳодирларнинг маоши икки от баҳосидан тўрт от баҳосигача тайин қилинган. Ўнбошилар маоши қўл остидаги сипоҳийлардан ўн баробар ортиқ бўлган. Юзбошилар маоши ўнбошиларникига қараганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда эди. Агар юриш пайтларида хатоларга йўл қўйилса маошларнинг ўндан бир қисми камайтирилар эди. Ўнбоши юзбоши тасдиғи билан, юзбоши мингбоши тасдиғи билан, мингбошилар эса амир тасдиғи билан улуфа олганлар. Бош амирул-умаронинг маоши қўл остидагилардан ўн баробар, девонбеги ва вазирларнинг маошлари амирлар маошларидан ўн баробар ортиқ бўлган. Ясовул (хонларнинг кичик хизматчиси, яъни қўриқчи), чоповул (чопқинчи, асосан тунда ўтказиладиган босқинларнинг қатнашчиси), қалақчи (аҳолидан йиғилган ҳосилдан ҳосил йиғувчи, хирож миқдорини белгиловчи мансабдор)ларнинг маошлари ўз хизматларига яраша, мингдан тортиб, ҳатто ўн минг тангагача миқдорда бўлган. Саййидлар, олимлар, фазоир кишилар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, қиссахонлар, хабарчилар, тарихдонларнинг ўз ҳолларига қараб, маълум хизматларига, тоифаларига қараб суюрғол, вазифа ва маош белгиланган. Хизматчилар, барча турдаги (бу ерда гилам тўшовчидан тортиб, кўча супурувчигача маъносида) ларга юз тангадан тортиб минг тангагача маош белгиланган. Умуман, давлат томонидан бериладиган маошларнинг тўлиқ маълумотларини девонбеги ва вазирлар Амир Темурга билдириб, сўнгра танҳо (бу ерда сарой хизматчилари, лашкарбошилар ва аскарлар учун махсус, хазинадан бериладиган маош, баъзида алоҳида хизмат кўрсатган бекларга танҳо сифатида ер-сув қилиб берилган маош) берилган, яъни тайинланганлар.

Амир Темур ҳукмронлигида пиёдалар, қалақчилар, ясовулларнинг бир йиллик маошлари ҳисобланиб, белгиланган маблағлар девонхонага келтирилиб, шу ерда уларга улашилган. Сипоҳийлар ва баҳодирларнинг ҳам ярим маошлари ҳисобланиб, танҳо давлат хазинасидан олиб берилган. Ўнбоши, юзбошиларга маош шаҳар аҳолисидан олинадиган солиқлардан йиғиладиган хазинадан ва подшолик мулки даромадидан накд пул ҳисобига берилган. Мингбошиларга вилоят ичидаги ерлардан тиюл (хирож ва солиқ йиғиб

олиш ҳақи билан инъом этиладиган ер-мулк)лар ҳисобига берилган. Амирлар ва амирул-умароларга вилоятлардан бири тиюл қилиб берилган. Амир Темур вилоятлардан тушган даромадларни тақсимлаш ҳақида шундай деган эди: «Вилоятлардан ва мамлакатлардан олинган жами даромадни тақсимлаб, маош бериш ёрлиқларига бирига кам, бирига ортиқ қилиб ёзсинлар. Сўнг ёрлиқлар девонхонага келтирилсин».

Амирлар, мингбошилар раиятдан молу жиҳат (накд пул ва маҳсулот билан олинадиган солиқ) йиғганларида, хирождан ортиқча соварий (подшоҳ ва хонлар ўз вилоятларидан ўтаётганларида, халқдан талаб қилинадиган тортиқлар (қўналға) чопарлар ва элчиларга кўнок бериш солиғи) ва (подшоҳлар ва амирларнинг озиқ-овқати учун йиғиладиган солиқ) талаб қилинмаган. Тиюл қилиб берилган ҳар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинланган.

Уларнинг биринчиси вилоятлардан йиғилган моллари ёзиб, раият аҳволини текшириб туриб, тиюл эгаси жогирданинг фуқароларга зулм етказмаслиги учун уларнинг ҳолидан хабардор қилиб, йиғилган бутун мол-ашёларни кирим дафтарларига ёзганлар. Иккинчиси, даромаднинг харж этилган қисмини чиқим дафтарига ёзиб, йиғилган моллардан сипоҳийларнинг маошларига тақсим қилганлар, Яна бу тўғрида Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини келтириш мумкин: «Қайси амирга тиюл берилар экан, уни уч йилгача ўз ҳолига қўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар, агар мамлакат обод, раият рози экан, шу ҳолича қолдирсинлар. Агар аҳвол бунга хилоф равишда бўлса ул вилоятни ҳолиса (давлат ихтиёридаги барча солиқлардан озод этилган ерсув)га ўтказиб, уч йилгача ўша жогирдорга улуфа берилмасин».

Соҳибқирон тўпланган молу дунёни, олинадиган божу солиқларни, хайрли мақсадлар учун сарф қилган: «Тўпланган хазинамдаги накд пул ва қиймат-баҳо буюмларни сипоҳларга тақсимлаб бердим. Қўшинга етарли даражада озуқа бердим». — деган эди у. Пири Шамсиддин Кулол ҳақида эса: «Улар менга Хоразмга боришимни маслаҳат бердилар. Агар ғалаба қозонсам Самарқанднинг бир йиллик хирожини уларга назр қилишга қарор қилдим». — дейди.

Маълумки, хирож — ер солиғи учун ва умуман даромад солиғи учун қўлланилган истилоҳдир. Айрим ҳолларда даромаднинг учдан бир қисмини ташкил этган. Шунингдек хирожни баъзи ҳолларда «мол» ҳам деб аталган. Амир Темур раиятдан хирож йиғишда ўта оқилона, вазминлик ва сахийлик билан иш кўришни маъқул кўрган. Раиятга ҳақ-ноҳақ жарима солувчи вазир мамлакатни ва бутун мамлакат салтанатини хароб этади, деган эди у.

Мурувватли жаҳонгир «Кимки менинг хизматимни қилган бўлса, хизмати ҳақини адо этдим.Фарзандлар, қариндошлар, ошна-оғайнилар, қўни-қўшнилар ва мен билан бир вақтлар дўстлик қилган барча одамларни давлату неъмат мартабасига эришганимда унутмадим: молу мулк ва накд пул билан ҳақларини адо этдим». — дейди.

Амир Темур давлатнинг бой, камбағал бўлишининг фуқаронинг аҳволига боғлиқлигини тушуниб, солиқларнинг ҳаддан зиёд ошиб кетмаслиги чораларини кўрди. Бу тўғрида у шундай дейди: «Амр этдимки, раиятдан молу хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан сақланиш керак. Негаки, раиятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашишига олиб келади. Агар раият солиқ тўловчи бормасдан солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда солиқ тўпловчи солиқ йиғиш учун бормасин. Агар солиқ олишга мажбур бўлсалар, улар солиқни яхши сўз билан олсинлар, калтак, арқон ишлатиб, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар».

Амир Темурнинг ўзи бевосита халққа солинадиган бемаврид солиқларга қатъиян қарши чиққан ва уларни неча бор солиқлардан озод қилган. Ҳали Бароҳон мамлакатни бошқариб турган пайтида «Элдин солиқ олурмиз». — деди. Соҳибқирон эса солиқ йиғишни рад этди ва «Бу йил барча эллар қашшоқдурлар, элни тархон қилурмиз», деди. Бароҳон рози бўлмади. Шунда Амир Темурнинг ўзи элга тушган солиқни тўлаб юборди, ҳатто хотининнинг тилла-кумуш зийнатларини ҳам қўшиб топшириб юборди. Бароҳон синглисининг зебу зийнатларини кўриб таниса ҳам танимасликка олади ва хазинага олдиради.

Бобокалонимиз халқини, сипоҳийларини ҳар қандай бойликдан афзал кўрган. У амир ва сипоҳийларини мартаба ва унвонлар, зару гавҳарлар билан хушнуд этган. Базмларда ўз ёнидан жой берган, хайр-эҳсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олган. Сипоҳ ва раиятга бир кўз билан қараб, баҳодирлар ва довюракларга махсус фахрли ўтоғ (бош кийимга тақиладиган қиймат-баҳо тошлар билан безатилган зийнатли белги),камар ва таркаш (садоқ-ўқдон) тақдим этиб, мартабаларини янада юқори кўтартирди. Ҳар эл ва ҳар мамлакат улуғларини, бошлиқ-оқсоқолларини қадрлаган, уларга совға-саломлар бериб, хизматларидан фойдаланган. Сипоҳийларининг ҳамиша жангга тайёр туриши учун, ойлик ҳақларини сўраттириб ўз вақтида бердиртирган. Сармояси қўлдан кетиб қолган савдогарга ўз сармоясини қайта тиклаб олиши учун хазинадан етарли миқдорда олтин берилган. Бозор аҳлларидан солиқ олиш қалъа бошлиқлари зиммасига юкланган. Солиқ олиш қоидаси Қуръони карим таълимотига мувофиқ бўлган. Ҳеч бир шаҳар ва қишлоқлардан, одамлардан сари шумор (жон бошидан олинадиган солиқ) олинмаган. Раиятдан мол-хирож йиғишда уларни оғир аҳволга солишдан ёки мамлакатни қашшоқликка тушириб қўйишдан юқорида айтиб ўтганимиздек ўта эҳтиёткорлик билан амалга оширилган. Мумкин қадар оддий халқнинг эҳтиёжини кўзлаган ҳолда иш кўрилган.

Амир Темурнинг инсоф ва адолатга доир фикрлари ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Марказий Осиёда йирик, иқтисодий етук ва марказлашган давлатни барпо этишда Амир Темурнинг хизмати беқиёсдир. Унинг иқтисодий меросини илмий жиҳатдан асосли ўрганиш, маълум маънода қўлланма сифатида қўллаш ва келгуси авлодларимизга етказиш шу бугунги куннинг долзарб вазифаси.

Ўктам НИКБОЕВ.

ТАЪМИРЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Тунги лавҳа

Шаҳар осуда уйқуда. Лекин 13 гектар майдонни эгаллаган, 250 та трамвай ва 150 та троллейбусга мўлжаллаб қурилган 3-электр транспорти саройида ҳаёт қайнайди. Тун машаққатларига бардош бериб меҳнат қилаётган қалби олов, касбига содиқ, ҳожатбарорлар орасида биророта бўш турган одамни учратмайсиз. Ҳамма ўзига топширилган вазифа билан банд. Чунки улар тонг отмасданоқ ҳар қандай об-ҳаво шароитига қарамай 95-97 та троллейбус, 110 та трамвайни шаҳар аҳолиси хизматига чиқаришлари керак.

Биринчи танишувимиз транспортни ювиб тозаловчилар билан бўлди. Уларга Анна Василиу бошчилик қилар экан. Қарангки бригада аъзоси Любовь Чанчикованинг бир ўзи ҳар куни тонг ёришгунча 60-70 та троллейбуснинг ташқи кўринишини «пардозлаш»га улгураркан.

Фаррошлар билан суҳбатлашамиз. Улардан Ирина Юкина, Людмила Некрасова, Марям Ҳабибуллаевалар машина салонларини йўловчиларнинг баҳри дили очиладиган даражада тартибга келтиришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

Таъмирлаш устахонасига ўтдик. Иккита ҳандақда машиналар тизилиб турибди. Ҳайдовчилар томонидан ёзилган техник носозлик-буюртмаларни уста Абдулла Алимуродов етакчилигидаги чилангарлар шу ерда созлашади. Устахонада иш қизғин. Бу ерда Икром Аширов чилангарлар гуруҳига бош-қош, унинг кўп йиллик самарали меҳнати Тошкент шаҳар йўловчилар ташиш транспорт корхоналари Давлат уюшмасининг «Фахрий ёрлиғи» ва пул мукофоти билан тақдирланган. Уста ўзига кўрсатилган бу ҳурматдан севиниб, ғайрат камарини белига янада маҳкамроқ боғлаган. Бугун сардорнинг «қўли енгил жарроҳлари» режадан ташқари 3229-рақамли машина вентиляторини янгисига алмаштирдилар, ёрилиб кетган компрессор қувурини мустаҳкам созладилар. Ўз касбининг жонкуярлари Владимир Карпов, Александр Бутузов, Раҳматилла Ҳабибуллаев, Қаҳрамон Шариповларнинг завқли меҳнатлари ёшларга ибрат бўлаяпти. Бу аҳил жамоа тунги навбатчиликда 20 та троллейбусни техник кўрикдан ўтказишлари қувончли натижадир.

— Бугунги кунда троллейбус ҳаракати мунтазамлигини таъминлаётган устахонамиз чилангарлари қалбида меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон, — дейди биз билан суҳбатда Абдулла Алимуродов. — Мавжуд куч ва имкониятларни ишга солган жамоамиз ҳар куни 120 минг йўловчига хизмат кўрсатиш ёки 430 минг чақирим йўл босишга кафолат берадилар.

Цехда қайноқ меҳнат худди куппа-кундуз кунидек давом этади. Кимдир баллонларни алмаштиради, биров машина чамбарагини кучли босим асосида мой билан юмшатади, яна бошқаси ейилган мотор чўткаларини янгилайди, яна кимдир компрессор кувурлари, ҳаво йўлларини назорат қилади.

Шаҳар уйғониш арафасида соат миллари 4.45 дақиқани кўрсатганда 3229-рақамли машина 17-йўналиш бўйлаб ўз ҳаракатини бошлади. Яна бир ҳайдовчи йўлланма қоғозини нозимхона навбатчисидан олиш учун ошиқди. Биз тун машаққатларини енгиб янги кунни ёруғ юз билан кутиб олаётган чилангарлар гуруҳи меҳнатидан мамнун бўлиб трамвай цехлари томон йўл олдик.

Саройнинг таъмирлаш устахонасига кирганимизда бизни цех бошлиғи Акромжон Эшматов кутиб олди. Бу устахона ҳам ўзининг жиддий муаммолари билан яшайди. Пантографларнинг тез-тез синиши, қиш фаслида иситгич спиралларининг мунтазам куйиши, қум сақланадиган қутича ғалтакларининг ишдан чиқиш ҳоллари тез-тез содир бўлиб туради. Бу носозликларни ўз вақтида бартараф этиш ва белгиланган муддатда ҳамшаҳарлари хизматига режада белгиланган трамвайларни чиқариш ҳар бир таъмирловчининг кундалик иш режасидан мустаҳкам ўрин олган.

Устахона кенг ва ёруғ. Носоз трамвайлар «доктор»лар кўригидан ўтиш учун навбат пойлаб турибди. А.Золотов, И.Чубаров, Д.Янов, А.Кимлар учун ҳар бир дақиқа ғанимат. Тунда улар қўлида «шифо» топган трамвайлар кундузи йўловчилар манзилини яқин қилади. Вагонларни ювиб тозалашда Ольга Таранова етакчилигидаги фаррошлар меҳнатини алоҳида таъкидламоқ лозим.

... Роппа-роса соат 4 дан 48 дақиқа ўтганда 13-йўналиш бўйлаб ҳаракат қиладиган 3001-рақамли «Татра 3М» вагони биринчи бўлиб сарой темир дарвозаси ёнига келиб тўхтади. Механик назоратчи К.Одилов ҳамда нозимхона навбатчиси Н.Гевондян ҳайдовчи Л.Крашковага йўл варақасини топширдилар. Саройдан шитоб билан чиққан трамвай ўнгга бурилди. Демак, ҳаётнинг яна бир мазмунли куни бошланди. Шу каби хайрли кунлар 3-трамвай-троллейбус саройи жамоаси учун доимо баракали ва хатарсиз кунлар бўлиб қолсин.

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ,
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Фанимиз заҳматкашлари

МЕҲР ЙЎЛЛАРИ

... Ўша куни китоб дўконига кирганимда қизиқ воқеа устидан чиқдим. Бир неча ёшлар аллақандай китобни қўлларига олиб кизғин баҳслашишарди. «Қаранг, тилимиз нақадар бой экан-а, — дерди улардан бири, — Мана бу сўздаги маъно айниқса чуқурроқ экан!» Мен ҳам баҳсга қўшилдим. Суҳбат ўз-ўзидан қизиб кетди. Сўнгра мен ҳам барча қатори битта китобни сумкамга солиб уйга қайтдим. Аммо йўлдаёқ уни варақлай бошладим. Шунда китоб муаллифининг исми-шарифига кўзим тушди: «Мақсуда Содиқова». Ие, таниш исмку, бу. Наҳотки ўша олима аёл бўлса...

Шу куниёқ китобни ўқиб чиқиб опа билан яқиндан танишиш истаги пайдо бўлди.

— Уруш йиллари эди, — дея эслайди Мақсуда опа ёшлик хотираларини гапираётиб. — Отам урушга кетганди. Қишнинг узоқ кечаларида биз болалар сандал атрофида қунишибгина ўтирардик. Совуққотганимизни сезган онам яхши сўзлар билан кўнглимизни кўтариб, бизга эртак ва достонлар айтиб берардилар. Мен ўшанда жуда-жуда таъсирланардим. Онам айтган қизиқ-қизиқ сўзлар, мақол ва маталларни эсда сақлаб қолишга ҳаракат қилардим. Ҳатто кейинчалик бундай сўзларни ён дафтаримга ёзиб қўядиган бўлдим. Кўча-кўйда, ишда, одамлар орасида ҳам учрарди бундай қизиқ сўзлар. Хуллас, ён дафтарим тўлган сайин менинг ҳам қизиқишларим орта борди. Аслида келажакка пойдевор ёшликда қўйилади. Тилшунос олима бўлишимга балки ўша йиллардаги қизиқишларим туртки бергандир...

Ҳа, орадан анча йиллар ўтди. Оғир уруш йилларида уларнинг оиласи бироз қийналиб қолишди. Шунда Мақсуда синглиси Матлубани ёнига олиб фабрикага ишга кирди, онасига кўмаклашди. Шунда ҳам ўқишга бўлган ҳаваси сўнмади. Ўйлаб-ўйлаб Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки бўлимига ўқишга кирди. Шу тариқа ҳам ўқиб, ҳам ишлади. Уруш тугаб, уларнинг хонадонига ҳам яхши кунлар келди. Мақсуда ўқишни тугатиб, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлай бошлади. Сўнгра Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтига ишга жойлашди. Аввал кичик илмий ходим, кейин эса катта илмий ходим вазифаларида ишлади. Иш жараёнида етарли тажриба тўплади, илмга бўлган ҳаваси асло сўнмади.

— Илм йўлидаги дастлабки муваффақиятимда профессор Собиржон Иброҳимовнинг ҳиссалари беқиёс бўлган, — дея эслайди Мақсуда опа. — Шу инсоннинг кўмаги билан мен илмнинг катта йўлидаги дастлабки қадамни қўйганман...

Бундан 25 йил муқаддам Мақсуда Содиқова илк илмий иши — «Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида ранг-тус билдирувчи сўзлар» мавзуида номзодлик ишини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Одатда, дастлабки муваффақият инсонни маънан юксалтиради, унга илҳому ижод кайфиятини беради. Ўтган йилларда нашр этилган беш томлик «Русча-ўзбекча луғат»нинг яратилишида Мақсуда Содиқова фаол иштирок этди. Шундан сўнг газета ва журнал саҳифаларида унинг тилимиз ривожига бағишланган илмий-оммабоп мақолалари кетма-кет эълон қилина бошланди. Мақолалар рисолаларга, рисолалар эса китобларга айланди.

Олима 1970 йилларда марҳум профессор Аюб Ғуломов раҳбарлигида катта ишга қўл урди. «Ўзбек тилида феъл стилистикаси» мавзуида ижодий изланишлар олиб борди. Мавзу юзасидан унинг кўплаб мақолалари эълон қилинди. Бу эса олимага куч-қувват бағишлади.

Жуда кўп илмий асарларини қўлёзма ҳолда босмага тайёрлаб қўйди. «Ўзбекча-русча мақол ва маталлар луғати», «Нутқ этикаси», «Ҳозирги ўзбек тилида сифат», «Ўзи ҳам ширин, сўзи ҳам ширин», «Сўздан сўзнинг фарқи бор» ва шунга ўхшаш кўплаб асарлари берин-кетин нашр этилди. Илмий изланишлар ўз самарасини кўрсатди. Бундан беш йил аввал Мақсуда Содиқова докторлик ишини қайта ҳимоя қилди.

— Бу ишим аслида фан учун янгилик эди, — дейди олима. — Шундай бўлсада у ўз эгаларига ўн йил кеч етиб борди... Мана шу ўн йил мен иш устида қайта изландим. Уни янги ташбеҳлар билан бойитдим. Иродам қуввати, куч-ғайратим билан тунларни тонгларга улаб ишлаётган кезларим биргина нарса — одамларга меҳр юрагимда жўш уриб турди. Илму фанга бағишлаган йилларимни меҳр йўллари деб атагим келади...

Мақсуда опанинг умр йўлдоши Шоназар Шоабдурахмонов ҳам йирик олим, академик. Улар ишда ҳам, оилада ҳам бир-бирларига қўш қанот. «Қанот жуфт бўлса,парвоз баланд бўлади!» Олим ва олиманинг илму фанга фидойилиги шу хонадонда ўсиб-улғаяётган фарзандларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Олти фарзанднинг ҳаммаси олий маълумот эгалари бўлишди. Қизлари Нодира ҳам илм йўлини тутиб айни вақтда физика-математика фанлари номзодидир.

...

... Дам олиш кунларида бу хонадонда ўзгача тараддуд ҳукм суради. Катта ҳовли супуриб-сидирилиб меҳмонлар учун жой тайёрланади. Дарвоза кенг очиб қўйилади. Кўп ўтмай бирин-кетин фарзандлар,куёву келинлар кириб келишади. Бири-биридан ширин набиралар Мақсуда опани беҳад севишади. «Эртак айтиб беринг, бувижон» деб ҳол-жонига қўйишмайди.

Бу кунларга етиб келмоқ учун у қанчалар куч-ғайрат сарф этди. Яхши кунларга муҳаббатини мисол этди. Ғамли кунларга иродасини қалқон қилди. Ўзини фидо қилиб яшади. Меҳр йўлларини босиб ўтди. Бу йўллар эса кенгайгандан кенгайиб бораверди, Мақсуда опани юксакликка, фақат юксакликка чорлади. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Ўзбек тили» кафедраси ўқитувчиси, фидойи олима Мақсуда Содиқова ҳамон шу чорловлар измида. Олдинда эса адоқсиз меҳр йўллари бор...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА.

Эртага — Муқаддас Рамазон ҳайити

ЯХШИЛИК УЧУН ДАЪВАТ

Бугун Муқаддас Рамазон ойининг сўнгги куни ҳам ниҳоясига етди. Бу ойнинг инсон ҳаётида тутган ўрни, хосияти ҳақида Тошкент шаҳар бош имом хатиби, Яккасарой жоме-масжидининг имом-хатиби Абдураҳмон ҳожи РАҲМАТУЛЛАЕВ билан суҳбатлашди.

— Муҳтарам ҳожи домла, мана, Муқаддас Рамазон ойи тугади. Бу давр мобайнида Аллоҳ ризолигини сўраб, тонг отардан кун ботгунгача еб-ичишдан тийилган биродарларимиз энди қай даражада ажру савобга қолишди?

— Бисмиллоҳир роҳманир роҳийм. Аллоҳга ҳамду саноолар бўлсинки, яна бир Муқаддас Рамазон ойи ўтиб, рўза тутган бандалар жуда катта савобга қолганликлари рост бўлсин. Рўза Исломнинг беш устунидан бири бўлиб, фарз амали саналади. Рамазон ойи мўмин-мусулмонлар учун шу қадар қадрли ойки, унда Қуръони Карим нозил бўлган. Муқаддас Калимуллоҳнинг Бақара сураси 183-оятда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло айтади: «Эй, иймон келтирган бандалар, сизлардан илгариги халқларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза тутмоқлик фарз қилинди. Шоядки, рўза туфайли гуноҳлардан тийилсангизлар».

Рамазон ойининг биринчи ўн кунлиги раҳмат даҳаси дейилади, бу кунларда Аллоҳ бандаларига раҳмат ёғдиради. Иккинчи ўн кунлиги мағфират даҳаси дейилиб, унда Аллоҳ бандалари гуноҳини кечиради, учинчи ўн кунлиги эса итқи минал нирон деб аталади, у дўзахдан сақланиш демакдир. Рўза тутишнинг яна бир хосияти шундаки, унда риё йўқ, бу дегани — одамнинг рўзадор эканлиги ташқи кўринишидан билинмайди. Демак, рўза — яширин ибодатдир. Шуни ҳам таъкидлашим жоизки, рўза тутган бандага нафақат у дунёда, балки бу дунёнинг ўзида ҳам яхшиликлар етади. Рўзадор одам очлик ва ташналик жараёнида Аллоҳнинг неъматлари қадрига етади, фақирларга нисбатан ачиниш, уларга ёрдам бериш туйғуси шаклланади. Рўза тутишнинг саломатликка фойдаларини ҳозирги замон тиббиёти ҳам тан олмоқда.

— Тақсир, бу гапларингиз ўтган 30 кун давомида рўзадор юрганларни қувонтириши аниқ. Рўза — ибодатдир, дедингиз. Ана шу ибодат ҳақида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг айтган сўзларидан ҳам келтирсангиз.

— Ҳадиси шарифда рўза хосиятлари ҳақида айтилган жумлалар талайгина. Расululлоҳ айтадиларки, «Аллоҳ таоло шундай деган: Одам боласининг рўзадан бўлак барча амаллари унинг ўзи учундир. Рўза эса мен учундир ва мен одам боласини рўза туфайли мукофотлайман ёки ўзим унга мукофот бўламан». Ўзим унга мукофот бўламан дегани, қиёмат куни ўз жамолимни кўрсатаман деганидир. Диний адабиётларда маълум бўлишича, илгариги пайғамбарлар Аллоҳга 80 йил узлуксиз ибодат қилишган экан. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом «Менинг уммат-ларим орасида ҳам шундай улкан савобга эришадиганлар бўлармикан?» дея орзу қилганлар. Шунда Аллоҳдан ваҳий келиб «Қадр» сураси нозил бўлган. Унда айтилишича, Рамазон ойининг 26-кунидан 27-кунига ўтар кечаси тун бўйи яратганга илтижо билан ибодат қилган бандаларга 1000 ойлик ибодат савоби тегиши айтилган. Минг ой эса 80 йил муддатдан кўпдир. Шу куни Қуёш ботганда Жаброил бошчилигидаги фаришталар ерга тушади. Фаришталарнинг сони ер юзидаги қум зарралари миқдоридан ҳам кўп бўлади. Рўзанинг хосияти ҳақида Ислом дини уламолари ҳам кўп ҳикматлар қолдиришган. Масалан, Имом Ғаззолий айтадилар: «Рўза тутиш жон учун закот, бадан учун риёзат, яхшилик учун даъватдир. Рўза инсон учун гуноҳлардан тийилиш, жамият учун жиноятлардан сақланишдир».

— Тақсир, мана, эртага Рамазон Ҳайитининг биринчи куни. У халқимиз удумига кўра қариндош-уруғлар, мискинлар, кўнгли ўксиклар ҳолидан хабар олиш кунига айланган...

— Дарҳақиқат, биродарларимиз шу кунларда фақат яхшилик қилиш билан машғул бўлишлари, жумладан бева-бечоралар, касалмандлар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, узоқ-яқинларини бориб кўриш, фақирларга эҳсонлар қилишлари қувончлидир. Зеро, Ийди Рамазон мусулмонларнинг икки байрамидан бири бўлиб, бу кун фақат хурсандчилик билан ўтиши керак. Муҳаддислар ривоят қилишларича, Ийди Рамазон кунлари пайғамбаримиз жаноби Расululлоҳ гўё шамол каби у ёқдан-бу ёққа юриб, фақирларга эҳсон улашган, бошқаларни ҳам шунга даъват этиб, савоб олиб қолишга ундаган эканлар. Бу куни закотлар камбағаллар, ғарибу ғураболарга берилиши керак. Кимнингки садақа беришга моддий имконияти бўлмаса, у ҳолда дили ўксикларга сўз билан бўлса-да далда бериб, кўнглини кўтариб қўйса, шу ҳам савобга ўтаверади. Рўза тутган одам Ҳайит куни фитр садақасини бериши керак. Бу нима дегани? Рўза инсон аъзоларидан кўз, тил, қулоқ, мия кабиларнинг ҳам ибодатидир. Рўзадор одам ўзи билмаган ҳолда бировнинг дилини гап билан оғритиб қўйган бўлиши мумкин. Ёки кўзи макруҳ жойга тушган, биров ҳақида ёмон фикрга борган бўлиши эҳтимол. Фитр садақасининг берилиши ана шу гуноҳларни ювиб ташлайди. Бу садақа бир кишига икки килограмм буғдой нархи миқдорида бўлиб, у Ҳайит намози ўқилгунга қадар берилиши лозим.

Илоҳим Муқаддас Рамазон ойини рўзаи ибодат билан ўтказган, ҳайит кунлари инъом-эҳсон қилган мўмин-мусулмонларнинг ажрини Аллоҳнинг ўзи комил қилиб берсин. Юртимизга ривож, халқимизга тинчлик-хотиржамлик, фаровон кунларни ато этсин, омин!

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Дил тубидан

ИНСОФ ВА ДИЁНАТ САРИ

Одамзот табиатан ўзининг руҳий-маънавий дунёсини юксалтиришга мойил бўлади. Бу йўлда изланади, билим доирасини кенгайтиради, ўзида гўзал инсоний фазилатларни жамлашга ҳаракат қилади, иложи борича ҳалолликка интилади. Ўзбекистонимиз ўзини дунёга мустақил ва буюк давлат сифатида, серандиша ва олижаноб ўзбек миллатимиз эса ўзини ҳалол ва покиза, меҳмондўст ва меҳр-оқибатли, иймон ва эътиқодли миллат сифатида танитмоқда. Шу маънода ҳозирги ўзгаришлар даврида ҳар бир инсоннинг ички оламида тозаланиш, покланиш жараёни кечаётганига ишонаман.

Ҳа, мен покланиш жараёни инсонларига ҳавасланиб қарайман, зўр иштиёқ билан кузатаман. Улар бегонамас, аксинча, мен билан ёнма-ён юришибди, бир сафда туришибди. Улар менинг қариндошларим, қўни-қўшниларим, касбдош биродарларим, маҳалладошларим. Уларнинг юзларидан нур ёғилади, тилларидан бол томади. Бир-бирини бағрига босади, табриклайди, қалб тўрида асраб юрган энг эзгу тилакларини изҳор этади. Қайсидир нохушлик учун кечирим сўрайди, кечиради ва кечириладилар. Бундай илиқ ва гўзал хушмуомалалик сабабини ахтара бошлайман.

Юртимда муборак Рамазон. Кўш асос, кўш байрам... Не бахтки, бу йил Рамазон янги йил шодликларига уйғун келди. Инсонлар қалбида янгиланган йил орзу-истаклари жўш урган бир маҳали — саҳармардонда Рамазони шариф эшик қоқди... Ўттиз бор саҳарлик қилдим, ҳар саҳар турфа неъматларга тўла файзли дастурхонга қарайман. Кимнинг товуши ёқимлироқ ва жаранглироқ танловида қатнашаётгандай қўшни ҳовлилардаги хўрозлар биридан бирига мақтаниб кун уйғонаётганини хабар қиладилар. Деворга осиғлиқ радиокарнайда ҳар кунги таниш мусиқа садолари остида мустақил республикамизнинг салобатли Давлат мадҳияси янграйди. Фурурим ортади, кўнглим тоғдай кўтарилади. Иштаҳам очилади, ўзимни қушдек ҳис этаман. Мадҳия садолари мени қўни-қўшниларим, қариндош-уруғларим ва қавмларим, касбдош ва юртдош биродарим билан бир тану бир жон қилади.

Рамазон — покизалик рамзи. Рамазонда орзу-истаклар амалга ошади, кўнгиллар меҳр-муҳаббатга, хайр-саховат ва мурувватга тўлиб тошади. Унда қадимдан уришувчи томонлар ўртасида тинчлик-тотувлик сулҳ-шартномалари тузилган. Инсонлар кечиримли бўлиб, ҳалолликка интилади. Бинобарин истиқлол туфайли Ҳаж сафарлари, Рамазон, Ҳайит намоз-лари каби бир қатор миллий амалларга кенг йўл очилди. Бу имкониятлар натижасида бизнинг миллий қадриятларимиз ўз ўрнини, қадр-қимматини топмоқда. Ҳаёт тарзимиз янада мазмунли ва гўзал, ибратли ва ниҳоятда ажойиб бир тусга кирмоқда. Моддий ва жисмоний томондан имконият топган биродарларимиз дунё мамлакатларига саёҳат қилмоқда, Ҳаж сафарларини чин дилдан бажармоқда. Бу маросимлар мўмин биродарларимиз Рамазон ва Қурбон ҳайит намозларини жамоа билан ўқиш учун мавжуд ва тикланаётган муҳташам, нақшинкор жомеъ масжидларига чиқишар эканлар, субҳидамдан бир-бирларига яхши ниятлар тилаб хушфеъл — хуштаъб, хушсифат бўлишга ошиқадилар. Бу маросимлар мустақил Республикамизнинг чечан ва оловқалб фарзандларини юксак маънавиятли ҳамда покиза инсонлар бўлиб етишишида катта тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Кўнгиллари тоғдай кўтарилган бу отахонларимиз ва онахонларимизнинг оиладаги тарбиявий ўгитлари набира-эвараларини иймонли кишилар бўлиб етишишига, юртимиздаги покланиш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилиши табиий. Тинчлик ва осойишталикни сақлаш, меҳр-мурувватли, кечиримли ва иймонли бўлиш Рамазон кунларининг суннати экан, бу мўътабар кунлар йилнинг бошқа кунларига ибратли бўлиши яхши ниятли ҳар бир ўзбекнинг азалий орзуси эмасми!

«Ватанни севмоқ иймондандир» деймиз. Иймон, инсоф ва диёнат эса ҳар бир хонадонда униб-ўсиши, чуқур илдиз отиши эътиқоднинг барқарорлиги учун бир замин бўлса, бу заминни яратиш ва сақлаш бандалари учун вожибдур.

Анвар ФАЙЗИЕВ, *физика-математика фанлари номзоди.*

ИХЛОС, ЭЪТИҚОД, ЭЗГУЛИК — БАХТ-САОДАТ НУРИ

ФАРОВОНЛИК ВА ОМОНЛИК ЁР БЎЛСИН

МЕҲР-МУРУВВАТ, ШАФҚАТ—ОЛАМ БЕЗАТИ

ПОК НИЯТЛАР, ХАЙРЛИ АМАЛЛАР ИЖОБАТ ТОПСИН

Инсонийлик фазилатлари

ОНА ДУОСИ

Дунё учун менинг ушбу битикларим янгилик бўлмаслиги табиий. Чархи гардун миллион йиллардан бери тинимсиз айланаётган бўлса, неча ўнлаб, юзлаб инсон бу ҳақда қалам юргазгани ёлғиз Аллоҳга аён. Лекин шуни яхши биламанки ушбу мавзу туганмас булоқдир. Қанча кўп ёзсак, у шунчалар тиниқлашади.

Олам кеча-кундуздан иборат. Яшаш яхшилик ва ёмонлик бекатлари орасидаги йўл: яхшилик қилсанг — умринг абадият касб этади; аксинча бўлса ҳам абадият касб этасан... Фақат тавқи лаънат ичра ботасан. Йўллар шунчалар олис, гоҳ нурлар, гоҳ зим-зиёлик ичра одим отасан. Йўлингда сенга қувват, қоронғуликни ёритувчи шуъла бўладиган битта буюк неъмат бор: бу — она дуосидир.

Она деган зотни шарафлаб қанча мадҳиялар битилган экан — буни ҳеч ким санаб чиқолмаса керак. Она оламнинг яратувчисидир. Уни қуёшга ўхшатадилар, ойдинлик булбулга менгзайдилар. Энг буюк наққош ҳам, энг буюк шоир ҳам, энг буюк бастакор ҳам онанинг ўзидир!

Гўдаклик чоғимизда онамизнинг алласи орқали илк бор дунёга муҳаббатимиз товланганини энди-энди тушунямиз. Алла шунчалар сеҳрли сўзки, сеҳрли оҳангки унга асир бўлмаган қалблар бўлмайди. Чунки алла оналар қалбидан отилиб чиққан энг эзгу қўшиқдир. Ана шу қўшиқ билан Ватанга муҳаббат, олам гўзаллиги, яхшилик ва эзгулик мурғак қалбимизга муҳрланади. Алла — таъбирим жоиз бўлса, оналарнинг фарзандларини алқаб, яхшилик тилаб қилган илк дуосидир. Шунинг учун ҳам болалар соғ-саломат, зиён-заҳмат кўрмай улғаядилар. Сабаби, онанинг дуоси болани ҳар қандай бало-қазолардан асрайди.

Ўзбек халқи эртакларида (хусусан «Дод» эртагида) онанинг бир оғиз сўзи фарзандини ёмонлар кўзидан, зарбидан асрайди.

Ривоят қиладиларки, ўғил сафарга отланибди. У бошдан-оёқ қуролланиб, йўлга тушибди. «Болам, — дебди шунда она, — қурол-яроғларингни ташлаб, тўртта нонни тўрвангга солиб кет». Йигит эътироз билдирибди: «Эй, онажон, нега бундай деяпсиз?» «Чунки, — дебди она, — қурол-яроғ одамлар кўнглида душманлик, ёмонлик туйғуларини уйғотади». «Эй, онажон, — дебди йигит, — душманлар йўлимни тўссалар мен қуруқ қўл билан нима қиламан?» «Мен сенга қалқон бераман», дебди она. Кейин қўлини фотиҳага очиб, дуо қилибди: «Эй, Оллоҳ, ўзимнинг оқу қорасини сенга ишониб топширдим. Уни бало-қазолардан асра, чунки оналарни оқу фиғон чектирмайдиган парвардигорсан. Эй ўғлим, сени Оллоҳ ўз паноҳида асрайди. Йўлинг оқ, йўлинг равон бўлсин. Сафаринг бехавф, бехатар бўлсин, эсон-омон бағримга қайтиб кел, то келгунингча ҳаққингга дуо қилиб тураман».

Йигит ўз йўлида бирон марта хавф-хатарга учрамабди. Зиён-захматсиз яна ўз уйига қайтибди. Ўзини онасининг оёғига ташлабди: «Эй, онажон, сизнинг дуоингиз мени соғ-саломат сақлади. Энди шундай қилайки, ҳамиша сизнинг дуоингизга мушарраф бўлай». Шундай бўлибди ҳам. Йигит ўз умрида одамларга фақат яхшилик қилибди. Онасини бошига кўтарибди. Онаизор ҳаётдан кўз юмаётганда ўғлига насиҳат қилибди: «Онамдан ажрадим деб ҳадсиз қайғуга ботма, сендан мингдан-мингга розиман. Ҳаққингга қилган дуоларим сени ҳамиша асрайди». Айтишларича, йигит ҳам вақти қазоси етганда фарзандларига: «Онангизнинг дуосини олинг», деб насиҳат қилган экан.

Чиндан ҳам оналар дуоси фарзандлар учун энг олий мукофот. Баъзида одамлар қўли калталигидан нолиб: «Онамга тузукроқ нарса олиб бермадим» дейдилар. Оналаримиз бизнинг тилло-кумушларимизга муҳтож эмас. Чунки уларнинг қуёшдек қалблари бор. Улар ҳатто «тизза бўйи палов» билан қази-қарталаримизга ҳам муҳтож эмас. Чунки Оллоҳ оналаримизга беадад муҳаббат ила қаноат ато этгандир. Оналаримизга бизнинг яхши амалларимиз керак. Фарзанди қобил бўлиб, унга эл-юртнинг раҳматини олиб келсак — шу кифоя. Одамларнинг: «Эй она, шундай хушхулқ, одобли, ҳалол, диёнатли фарзандни камолга етказганингиз учун раҳмат!» деган олқиши оналаримиз учун ҳар нарсадан ортиқдир. Комил инсон бўлиш, оналаримизни эл-юрт раҳматига сазовор этиш эса осон эмас. Бунинг учун қалбимиз пок, иймонимиз саломат бўлмоғи керак.

Айтадиларки, қадимда бир йигитни доим кўзи ёш ҳолда кўрар эканлар. Бунинг сабабини сўрашганда у: «Эй биродарлар, мен тириклигида онамнинг дуосини ололмадим. Шундан дилим ўртаниб йиғлайман». «Эй гуноҳкор банда, — дебди бир донишманд. — Нима қилган эдинг ҳаётда?». Йигит дебди: «Мен ҳеч қачон онамнинг айтган гапини қилмасдим. Унинг кўз ёшини дарё қилардим». «Эй гуноҳкор банда, — дебди яна донишманд, — энди сенинг авлодларинг ҳам кўз ёш тўкиб ўтмасалар деб қўрқаман». «Нечун?» — сўрабди йигит. «Чунки сен фарзандларингга яхши ибрат, ўрнак бўларли амаллар кўрсатмабсан. Улар сенинг изингдан кетмасалар деб қўрқаман. Эй йигит, «Катта арава қайси йўлдан юрса, кичик арава ҳам шу йўлдан юради» деган нақлни эшитмаганмисан?»

Алқисса, маълум бўладики, она дуоси фарзанд учун дармондир, унинг норозилиги эса мангу армондир. Буюк муҳаддис имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» ҳадислар китобида ёзилади: «Мусовия ибн Ҳаййида (розиёллоҳу анҳу) айтдиларки, Расululлоҳдан: «Эй Расululлоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?», деб сўрадим. «Онангга», — дедилар. Мен шу саволимни уч маротаба қайтарсам ҳам, Расululлоҳ: «Онангга», — деявердилар. Тўртинчи марта сўраганимда: «Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга», — дедилар.

Яна шу китобда келтирилади: Абу Бурда ибн Абу Муан ал-Ашъарийнинг айтишларича, Абдуллоҳ ибн Умар бир яманлик одам ўз онасини опичлаб, хонаи Каъбани тавоф қилдириб юрганини кўрдилар. У одам қўйидаги байтни оҳанг билан ўқирди:

Онаи зорим учун бўйнимни эгган теваман.
Тевага минган онам ҳорсалар ҳам мен чарчамам.

У шуни ўқиб туриб Абдуллоҳга қаради-да: «Эй Абдуллоҳ ибн Умар, мана шу хизматим билан мен онамнинг ҳақини адо қила олдимми?» деб сўради. «Йўқ, бу хизматинг сени туғиш вақтида онангни қийнаб тутган тўлғоқларининг биттасига ҳам баробар эмас», деди...

Бас, маълум бўлдики, фарзанд она олдида ҳамиша қарздордир. Бекорга «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» демайдилар. Бу жаннат калити эса оналаримизнинг дилида, тилидадир. Бу калитнинг номи — дуо! Бир ашулада қуйланганидек:

Мен эса қўшиқ қуйлайвераман,
Онамнинг дуоси мени асрайди.

Эй, азизлар, шундай қутлуғ айёмда ҳар биримизнинг юрагимиздан оналар пойидаги тупроқ эканлигимиз ҳақидаги фикр мустаҳкамроқ ўрин олсин. Ана шундагина оналаримиз дуосига мушарраф бўламиз. Зеро фарзанд бир ниҳолки, у оналар дуоси билан яшнаб, қўқаргай.

Оналаримиз дуоси ҳамиша йўлимизда сўнмас чироқ бўлсин, азизлар!

Ғолиб МИРЗО.

Назм чечаклари

ҚУТЛУҒ КЕЧА

Бисмиллоҳ деб қўлга тутдим қаламни мен,
Бисмиллоҳ деб идрок этдим оламни мен.
Кўрсам эди юраги пок, диёнатли,
Тангри суюб улуғлаган одамни мен.

Расululлоҳ ҳақ номини дилга жойлаб,
Адлу инсоф тарозисин ибтидолаб.
Минг бир азоб кўрса ҳамки ўз қавмидан.
Борар эди мушрик доғин интиҳолаб.

Ўзи ерда бўлса ҳамки дили кўкда,
Дили кўкда, қўли ишда, йўли кўкда.
«Бор худоё, инсоф бергил одамларга» —
Ҳар лаҳзада нидо қилур тили кўкда.

Оқшом эди, Расululлоҳ — зот баркамол,
Ётар эди маслагига — тилаб иқбол.
Ериб кетмиш ушбу олам назарида,
Шуълаларин ҳадя этди худди ҳилол.

Жаброилни кўриб ҳайрат ичра қотмиш,
Етовида Буроқ номли тулпор отмиш.
Бу таширифнинг мақомини англай олмай,
Ҳазрат Расул чексиз ажаб ичра ботмиш.

Жаброил сўз бошлаб унга демиш шундоқ:
— Расululлоҳ, отга мининг, исми Буроқ,
Тангри сизга амр этди, фалак сари
Ҳузурига етиб боринг, боринг тезроқ.

Ҳақ номини ёдда сақлаб Расululлоҳ,
Дилда эзгу, инсоф ёқлаб Расululлоҳ.
Буроқ отга миндилару ўша онда
Тулпор кўкка интилдилар мисли чақмоқ.

Жаброилдек улуғ ҳазрат дасткор эмиш,
«Етти қават фалакка йўл олдик», демиш.
Қаватларни санаб борар Расululлоҳ,
Мўъжизалар ҳар одимда бисёр эмиш.

— Хуш келибсиз! —Одам Ато дермиш ёниб,
Иброҳиму Мусони ҳам кўрмиш аниқ.

Исо Масеҳ лутфидан жон баҳра олмиш,
Пайғамбарлар суҳбатига обдон қониб.

— Расululлоҳ, — дер фаришта, — энди қайтай,
Мен Жаброил, узримни сизга айтай.
Энди бундан нарига ҳеч боролмасман.
Қанотларим шуълаларда ёниб кетгай.

Кўз олдида жилоланмиш Аллоҳ тахти,
Ёшларидан кўкси узра маржон тақди.
Етмиш қават парда орти — ҳақнинг пойи,
Аллоҳ тахти — бандаларнинг буюк бахти.

Тангрига минг бора ҳамду сано айтмиш,
Буроқ оти пишқирганча ерга қайтмиш.
Етти қават осмонга у чиқиб келди,
Юрагида қайнар ғайрат — шундоқ пайти.

Бор ҳикматни дилга солмиш Расululлоҳ,
Не қилмоқни билиб олмиш Расululлоҳ.
Қаддин ростлаб ўз қавмига боқар хушнуд,
Айтар сўзи булоқ бўлмиш Расululлоҳ.

— Бор худоё, иноятинг дилимдадур,
Ҳар калиманг такрорланар, тилимдадур.
Қавмим мени тарк этмагай энди абад,
Ўзинг берган улуғ Қурбон қўлимдадур.

Қирқ учимда етишдим мен жамолингга,
Етти олам камол қўшди камолимга.
Ўзинг асраб, ўзинг сақлаб, ярлақагил,
Жавоб олдим муаммо ҳар саволимга.

Ҳар мўминнинг бўлсин ўзин бир кечаси,
Ҳақ номига тавба қилар ҳур кечаси.
Тонгда тамом бошқа одам бўлгуси ул,
Ҳидоятга етакласин нур кечаси.

Расululлоҳ дуо айлар: шундоқ бўлсин,
Бани башар ёмонликдан йироқ бўлсин!
Ўша кеча умматимнинг ҳар биринг,
Ҳар мўминнинг ниятлари оппоқ бўлсин!

Темур УБАЙДУЛЛО.

Ҳикматлар хазинасидан

РАСУЛУЛЛОҲ ДЕЙДИЛАРКИ...

● Парвардигорнинг розилиги ота-она розилигидур. Парвардигорнинг ғазаби ота-она ғазабидур.

● Кимки икки етим қизни вояга етказса ўша киши билан мен жаннатга баробар кираман.

● Кичкиналаримизга раҳм-шафқат қилмаган, катталарга ҳурмат кўрсатмаган, амр-маъруф ила эзгуликка чақирмаган ва ёмонликдан қайтармаган кишилар биздан эмас.

● Одамлар орасини тузатган одам ёлғончи эмас.

● Сахий киши Аллоҳга, жаннатга ва одамларга яқиндур ва дўзахдан узоқдур. Бахил киши Аллоҳдан, жаннатдан ва одамлардан узоқдур ва дўзахга яқиндур.

● Тул хотин ва мискиннинг ҳолини сўровчи киши Аллоҳ йўлида ғазот қилувчи ёки кундуз куни рўза тутиб, тунда ибодат қилувчи киши билан тенгдур.

● Кимки бетоб одамни бориб зиёрат қилса, Аллоҳнинг раҳматида юради, агар у бемор ёнида ўтирса, раҳмат илоҳиятида жой олган бўлади.

● Киши ўз биродари билан бир йилгача сўзлашмай юрса, гўё унинг қонини тўккандек бўлади.

● Марҳаматли бўлмаган кишига Аллоҳ ҳам марҳаматли бўлмайди.

● Ким ўзининг қорни тўқ бўлиб, қўшниси оч ҳолида ўтирган бўлса, у киши мўмин эмасдир.

● Ким Аллоҳдан савоб умид қилиб, ўзимга қарам бўлганларга бирор нарса сарф қилса, Аллоҳ унинг ажрини албатта беради. Сарф қилишни сен аввал ўзингга қарам бўлганлардан бошла, улардан ортиқчалигини яқин қариндошларингга, улардан ҳам ортса, истаган кишиларингга беравер.

● Силаи раҳим қилмайдиган киши жаннатга кирмайди.

Шаҳримиз маҳаллаларида

САХОВАТЛИ КИШИЛАР

Шайхонтоҳур туманидаги Кўкча маҳалласида 514 хонадон бўлиб, уларда 5320 аҳоли истиқомат қилади. Маҳаллада ҳар бир айёмни кўнгилдагидек ўтказиш учун фаоллар билан келишилган ҳолда махсус тадбирлар ишлаб чиқилади.

— Қутлуғ айём кунлари одамларга меҳр-муҳаббат, саховат кўрсатиш азалдан маҳаллаларга хос бўлган хусусият, — дейди маҳалла оқсоқоли Баҳодир Каримов. — 30 кунлик рўза ҳам ниҳоясига етиб Рамазон ҳайити арафасидамиз. Фахрийлар кенгаши раиси Шоакбар ота Азизов бошчилигида баҳолиқудрат баъзи хайрли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилдик. Маҳалламиз катта. 25 кўчадан иборат. Бошланишига рўза тутган оилаларнинг 25 тасига маҳалланинг ўзида яшовчи ҳомийлари ёрдамида гуруч, ун, гўшт ва пул ёрдами тарқатилди. Рўза тутган маҳалла қарияларига маҳалла ҳисобидан ифторлик қилиб берилди. Шунингдек, Рамазон ҳайити кунлари маҳаллалар фаоллари 3 гуруҳга бўлиниб, хонадонларни айланишни ҳамда ёрдамга муҳтож оилаларга пул ва совға-салом улашишни режалаштириб қўйдик.

Дония ЗОКИРОВА.

Одами эрсанг...

ФАРЗАНД БУРЧИ

Азал-азалдан ота-онани ҳурматлаш фарзандларнинг муқаддас бурчи бўлиб келган. Бунда Ислом динининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Аллоҳ таоло инсонни ота-онаси туфайли, уларни сабаб қилиб дунёга келтиради ва Қуръони Каримда аввало ота-онани дуо қилмоқликни «Ал-исро» сурасида айтади: «Улар учун меҳрибонлик билан хорлик қанотини паст тут, ҳокисор бўл ва «парвардигорим, мени (улар) гўдаклик чоғидан тарбиялаб ўстирганларидек сен ҳам уларга раҳм-шафқат қилгин», деб буюради».

Аввало Ислом бўйича барча мўмин-мусулмон фарзандлар учун ота-онага яхшиликни ёлғиз Аллоҳга ибодатдан кейин иккинчи вазифа қилиб қўяди. Бу таълимотга биноан ота-она мўминми, яхшиёмонми, барибир фарзанд уларга нисбатан ҳурмат сақлаши, сўзини қайтармаслиги ва уларнинг ҳақларига яхши дуолар қилиши вожибдир. Юқорида келтирилган оятда зикр қилинган дуода жуда ҳам зарур бир нуқта борки, биз ундан ғофил бўлмаслигимиз керак. Ота-оналик ҳуқуқини қозониш учун бола туғишнинг ўзи кифоя қилмай, балки уларга таълим-тарбия бериш ҳам муҳим шартлардан биридир.

Ҳар бир фарзанд хоҳ намозида бўлсин, Қуръон тиловатидан сўнг, хоҳ холис дуоларида ота-онаси учун улардан аввалги жамики аждодлари — токи Одам Ато отамизу Момо Ҳаво онамизга шажарада етиб борувчи аждодларимиз учун Аллоҳдан ўзини ва уларнинг гуноҳларини мағфират қилишни тилаб дуо ўқишлари лозим. Чунки ҳар бир фарзанд катта бир шажарани давом эттирувчисидир. Ота-оналари ҳаёт бўлган фарзандлар Аллоҳдан уларнинг умрларини узоқ, жонларини саломат қилмоқликни, фарзандлар бошида соябон, дуогўйлари бўлиб юрмоқликни сўрашлари даркор. Фарзанд ўзи учун, қиблагоҳи ва волидаи меҳрибони учун доимо Аллоҳдан иймон, эътиқод, рушду ҳидоят сўраганидан сўнг ўзи ва улар учун тани-сиҳатлик, хотиржамлик ва тинчлик сўраши зарур.

Агар уларнинг хоҳ иккалалари, хоҳ бирлари қолган бўлишсаю, хасталик эгаллаган бўлса Аллоҳдан уларга шифо тилаб дуо қилмоқлари лозимдир. Бир саҳоба пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо алайҳи васалламдан «Менинг ота-онам ёшлигимда оламдан ўтиб кетишган. Энди мен қандай амаллар қилсам уларнинг руҳлари мендан худди ҳаёт чоғларида хурсанд бўлгандек хурсанд бўлишади», — деб сўради. Сарвари олам «Эй ўғлон, бешта амални бажарсанг шунда муродингга етасан», — дедилар. Саҳоба у амалларни айтишни илтимос қилди. Пайғамбаримиз дедилар, «Биринчи, намоз ўқиб, ота-онанг ҳақига дуо қиласан. Иккинчи, ўзинг ва улар учун истиғфор айтасан. Учинчи, ота-онангнинг аҳдини бузмма, васиятларини бажарасан. Тўртинчи, ака-укаларинг, опа-сингилларинг, қавму-қариндошларингдан силаи раҳимни узмайсан. Бешинчи, отангнинг дўстларини, онангнинг яқинларини йўқлаб, зиёрат қилишинг ота-онангни зиёрат қилиш билан баробардир».

Фарзандлар ота-она ҳақида чиройли, хайрли дуо қилмоқликлари учун биз катталар — ота-оналар ўзимизни хайрли ва солиҳ амалларимиз билан ўрнак бўлмоғимиз даркор. Биз бир вақтнинг ўзида ҳам оламдан ўтган ота-она, аждодларимизу авлодларимиз ҳақида дуолар қилмоғимиз керак. Қуръони Каримда «Фурқон» сурасида «Улар «Парвардигоро, ўзинг бизларга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан шоду хуррамлик ҳадя этгин ва бизларни тақводорларга пешво қилгин», дейдиган кишилардир», дейилади. Аллоҳ «Аҳқоф» сурасида «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга ҳомиладор бўлиб қийналиб туққандир. Унга ҳомиладор бўлиш ва уни (сутдан) ажратиш муддати 30 ойдир. Энди у қачон вояга етиб, 40 ёшга тўлганида: «Парвардигорим, мени Сен менга ва ота-онамга иноҳм этган неъматингга шукр қилишга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларнигина бажаришга муваффақ этгин ва Ўзинг мен учун зурриётда ҳам яхшилик қилгин (яъни фарзандларини ҳам аҳли солиҳ бандалар қилгин). Албатта мен Сенга (қилган барча гуноҳларимдан) тавба қилдим ва албатта мен мусулмонлардандирман», — деди.

Ушбу ояти каримада ҳам яна ҳар бир инсон ота-онага яхшилик қилишга буюрилди. Негаки, Яратган Холиқ ўз бандаларидан жисмоний жиҳатдан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам жуда яхши огоҳдир. Ва у мўмин бандаларини комил инсон қилиб тарбиялаш учун қайси фармонни неча марта такрорлашни Ўзигина билади ва буни Қуръони Каримда шунча марта нозил қилади.

Биз фарзандлар ёшлигимизга бориб ёки ўзимизнинг болаларимиз билан овора бўлиб кетиб, ота-оналаримизга бепарволик билан муносабатда бўлишимиз мумкин. Улар хоҳ ҳаёт, хоҳ оламдан ўтган бўлсалар ҳам биз фарзандлар ҳушёр бўлиб, ҳаётларининг хизматларини қилиб дуоларини олайлик. Оламдан ўтган бўлсалар, улар ҳақига тез-тез дуо қилиб турайлик. Дуоларимиз, намозларимиз, хайрли амалларимиз оламдан ўтганлар арвоҳларига нур бўлиб борар экан. Аллоҳ барчамизга рушду ҳидоят, юртимизга тинчлик, тараққиёт, хотиржамлик, тани-сиҳатлик ато этсин.

Зиёвуддин ҳожи ЗАЙНУДДИНОВ, *тиббиёт фанлари доктори, профессор.*

Ёғдулар

ЖОН ИЧИДАГИ ГАВҲАР

Илм олиш ҳар бир мўминмусулмоннинг бурчидир. Зеро, муборак ҳадисларда ҳам: «Бешикдан то қабргача илм изла» дейилади. Илмнинг хосияти, унинг буюк фазилати ҳақида алломаларимиз кўп ва хўп айтишган. Чунончи Носир Хисрав (IX аср охирлари) инсоннинг яшашдан мақсади илм ўрганиш ва камолот сари интилиш эканлигини таъкидлайди. У илмни жон ичидаги гавҳар деб айтади:

Ақл айтур абадий
гавҳарлар аро,
Топилмас илмдан
яхшироқ кимё.

«Кишилар орасида ақллилари ақлий лаззатга интилади, шундагина у умумий лаззатга эришади, бу лаззат манбаи тоғли оламдир... Фақат одам илм ўрганишдан лаззат топади бу ҳис ҳайвонларда йўқ, илмнинг ҳар бир поғонаси яна юқорироқ поғонага олиб келади, демак билимнинг чегараси йўқ», деб ёзади Носир Хисрав «Зодул мусофирин» («Сафар қилувчилар анжоми») деган китобида. Айниқса зукко сўз устасининг бойлик ва илмни чоғиштириб ёзган қуйидаги сатрлари ибратлидир:

Кудратли ё доно инсон
икки хил,
Бошқасин эътибор
этмагил асло.
Дономас кудрат
олтинда бўлса,
Билим бирла қудрат
топади доно.
Минг ханжарли ҳеч ким
бўлмас билимдон,
Илмда минг ханжар
кучи муҳайё.
Илм бирла етиш
мумкин, биродар,
Заррачадан чиқиб,
қуёшгача то.

Носир Хисравнинг замондоши Умар Ҳайём оғир пайтларда ҳам ўз ҳаётини инсониятга фидо қилган ажойиб инсон эди. У шундай деб ёзган:

Дилим илмлардан
махрум бўлмабди.
Бир сир қолмадики
мавхум бўлмабди
Туну кун ўйладим
етмиш икки йил.
Англадим ҳеч нарса
маълум бўлмабди.

Шерозда чиройли боғлар гулзорлар мавжуд бўлгани учун уни гуллар ва булбуллар маскани водийси деб аташган. Шайх Саъдийнинг болалик йиллари Шерозда ўтади. У ўз болалигини эсларкан ҳаётда ибрат бўларлик бир воқеани ҳикоя қилади. Ҳайит кунларидан бирида Саъдийнинг отаси шаҳардан ташқарида бўлган катта бир сайилга олиб борибди. Шунда Саъдий адашиб кетибди. Отаси уни қидириб топгач, қулоғидан чўзиб танбеҳ бериб шундай депти:

Эй кўзи ўйноқи, шўху
беқарор,
Баримни маҳкам тут
дедим неча бор.
Билмайсан ёш бола
бўлгандан кейин,
Танҳо йўл юрмоқлик
дунёда қийин.

Саъдий кейинчалик бу воқеани эслаб, дунёда мураббий ота, устод муаллим тутмасдан йўл юрган киши кўп адашади деб мана бундай дейди:

Яхшилар кетидан агар
чопарсан,
Истагинг, бахтингни
шунда топарсан.

Устозларнинг руҳи поклариға таъзим қилиб мен ҳам айтдим:

Ҳаракат қил илму —
ҳунар йўлида,
Ўзингни бритгил ҳаёт
нурида.
Топиб тўрт тангани шод
бўлавермай,
Ҳақ устоз топ — илм ол,
устоз кўлида...

Абдурахим Умаров
ПОКДИЛИЙ.

Янги мавсум тараддуди

«ТРАКТОР»: «КУЧЛИ ОЛТИЛИККА ДАЪВОГАРМИЗ»

Пойтахтнинг «Трактор» жамоаси олий лигада тўп сураётган, ҳозирча ягона корхона командаси ҳисобланади. Бизнингча, кейинги пайтларда бошқа жамоаларга қараганда айниқса «Трактор»нинг муаммолари кўпроқ эди. Чунки, асосий ҳомий бўлган Тошкент трактор заводида ишлаб чиқариш анча сусайган, бу эса ўз навбатида футбол командасининг ҳам иқтисодий-молиявий аҳволига таъсир этиши турган гап. Шунга қарамасдан «Трактор» ўтган мавсумни қизғин курашлар остида ўтказди. Охирги турда бўлиб ўтган «Трактор» — «Пахтакор» учрашувида заводчилар ғалаба қозонганларида чемпионат жадвалида саккизинчи, мабодо дуранг натижа бўлса, тўққизинчи ўринни эгаллаган бўлардилар. Аммо сўнгги дамда омад ғилдираги тескари айланди, «Трактор»га 13-ўрин насиб этди. Бунинг албатта, жуда кўп сабаблари бор. Бу ҳақда жамоа мураббийлари билан узундан-узоқ суҳбатлашиш мумкин. Аммо шу томони ҳам борки, мураббийлар кўпинча янги чемпионат ўйинлари бошлангач, айниқса, командасига омад кулиб боққан чоғларда «очиқ чеҳра билан» гаплашишлари мумкин. Қишки таътил пайтида эса улар камгап бўлиб, журналистлар билан унча-мунча суҳбатга рўйхушлик беравермайдилар. Чунки айнан мавсум орасидаги таътил жамоалар учун энг бесаранжом пайт бўлиб, команда таркибидаги кўпгина ноаниқликларни аввало тартибга келтириш лозим бўлади.

Маълумки, мавсум охирига бориб жамоани кўпгина етакчи ўйинчилар тарк этишгани ҳақидаги миш-мишлар тарқалди. Шунинг учун ҳам «Трактор»даги бугунги вазиятни билиш, янги мавсумга қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги билан танишиш мақсадида жамоа бош мураббийси Виктор Васильевич Борисовга мурожаат этдик.

— Тўғри, жамоамиз таркибида ўзгаришлар кўп, — дейди бош мураббий. — Борис Баканов, Равшан Ҳайдаров, Олег Тюлькин, Юрий Қосимов, Владимир Веселовский ва Дмитрий Полянцевлар жамоани тарк этишди. Ҳозир уларнинг ўрнини тўлдириш учун истеъдодли ўйинчилар билан музокаралар олиб боряпмиз. Бу масала жуда жиддий. Қачонки, янги ўйинчи шартномага имзо чекиб, ҳақиқий аъзомизга айлангачгина, у ҳақда бирор фикр билдирса бўлади. Фақатгина жамоадаги яна битта ўзгариш ҳақида аниқ гапириш мумкинки, илгари «Политотдел»да мураббийлик қилган Александр Мягков бу мавсумда «Трактор» жамоасининг иккинчи мураббийси сифатида фаолият кўрсатади. Янги мавсумда зиммамидга катта, машаққатли вазифалар юкланган. Биз мухлисларимизнинг ишончини қозонишимиз керак. Асосий мақсадимиз — кучли олтиликдан жой олиш. Бунинг учун барча имкониятларни ишга солишимиз лозим бўлади. Майдонни яхши кўрадиган, вазиятларни тўғри баҳолаб, жамоани ҳужумга бошлайдиган ёрқин ўйинчилар зарур бизга. Ҳозирча бизда ташаббусни ўз қўлига ола биладиган «диспетчер» йўқ.

— Мавсумга қандай ҳозирлик кўриляпти?

— Асосан ўз майдонимизда шуғулланяпмиз. Тайёргарлик жараёнида чет эл сафарларида бўлиб, у ердаги маҳаллий жамоалар билан ўртоқлик учрашувлари ўтказишни ҳам режалаштирганмиз.

— Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилиш ва футбол тўғрисида қабул қилинган янги қарордан сўнг «Трактор» жамоасида қандай ўзгаришлар бўляпти?

— Кейинги пайтларда жамоамизга ҳомийларимиз томонидан бўлаётган эътибор анча кучайганлигини таъкидлаш жоиз. Мирзо Улуғбек туманининг ҳокими Шавкат Мирзиёев жамоамиз фаолияти, муаммоларимиз билан қизиқиб, ҳар қандай ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдирди. Албатта, асосий ҳомийимиз — Тошкент трактор заводи раҳбарияти ҳам қараб турғани йўқ. Стадионимизни таъмирлашга киришилди. Мухлисларга қулайлик яратиш мақсадида минбарларнинг усти шийпон шаклида ёпилади. Машғулот майдонлари ҳам кенгайтирилиб зарур шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда. Албатта, биз бу ғамхўрликка чиройли ўйинларимиз билан жавоб қайтаришимиз — ҳам қарз, ҳам фарз.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

ФУТБОЛИМИЗ ЮРТИМИЗ НУФУЗИГА МОС БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори чарм тўп мухлислари учун айни муддао бўлди.

Мустақил диёримиздаги турли касб эгаларининг кўпчилиги футбол ўйинининг ашаддий мухлисларидир. Албатта ҳар бир касбнинг ўз устаси бўлади. Айниқса жаҳон узра донг таратган чарм тўп усталари номини эсласанг қалбинг ширин ҳаяжонга тўлади. Пеле, Эйсебио, Гарринча, Марадона, Б. Чарльтон, Тостао каби бизнинг сахий заминимиздан ҳам Стадник, Тожиров, Бектошев, Иброҳимов, Красницкий, Абдураимов, Ан, Федоровдек моҳир чарм тўп усталари етишиб чиққан.

Юқорида номлари қайд этилган чарм тўп усталари-

Шахсий фикр

ИҚТИДОРЛАРНИ БОЛАЛИКДАН ТАРБИЯЛАЙЛИК

нинг яшил майдонларда кўрсатган чиройли ўйинлари ва ажойиб голларини қайси мухлис кўрмаган, ҳайратга тушиб завқланмаган дейсиз! Уларнинг номлари, беназир маҳоратлари ёшларимиз учун катта ўрнак, қолаверса уларнинг футболга бўлган иштиёқ, ҳаваларини орттирувчи бир омилдир. Минг шукрки, юқоридаги каби кўплаб атоқли футболчиларимизнинг шогирдлари бугунги кунда жаҳон майдонларида муваффақиятли тўп суриб мустақил Ўзбекистон шарафини муносиб оқламоқдалар. Нигериялик футболчилар билан тенгма-тенг беллашган футболчиларимиз заминимизнинг иқтидорларга нақадар бой эканлигини яна бир карра исботладилар. Асосийси, фақат уларни ўз вақтида аниқлаб, ўсишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб беришдадир. Мустақил юртимизда маҳаллалар, мактаблар, коллежлар, техникум ва турли олий ўқув юртлари, жамоа хўжаликлари кўп. Бу даргоҳларда минг-минглаб ёш, ҳаваскор футболчилар топилади. Менимча ҳар бир жойда болалар ва ўсмирлар учун футбол майдонларини етарлича барпо қилиш зарур. Ўқув даргоҳларидаги жисмоний тарбия муаллимлари, хўжаликлардаги спорт усталари қайси ўсмирдан яхши футболчи чиқиши мумкинлигини яхши биладилар. Яхши отга ҳеч қачон қамчи керак эмас. Жуда ёшлигиданоқ болада тўп суришга иштиёқ сезилдими, у ҳеч қачон бошқа касбни танламайди. Иқтидорли болаларни асло қўлдан чиқармай уларни мураббийлар, спорт усталари ўз тарбияларига олмоқликлари, излаб топишлари шарт. Халқимизда «Шогирдсиз устоз — мевасиз дарахт», деган гап бор. Юқорида айтганимиздек маҳаллаларда, хўжаликлардаги турли ёшлардаги ўзларича тўп сураётган ҳаваскор, бўлғуси футболчиларни жамоатчилик асосида бўлса ҳам спорт усталари тарбияласалар айни муддао бўларди. Бу ўринда мактаблардаги жисмоний тарбия ўқитувчиларининг тажрибалари ҳам жуда қўл келиши мумкин. Улар бўш вақтларидан унумли фойдаланиб қанчадан қанча ёшларни чарм тўпга тортишлари мумкин. Бундан ташқари шаҳримиздаги «Пахтакор», МҲСК, «Трактор» командаларининг ўйинчилари жадвал асосида ёшларга ўз маҳоратларини ўргатиб борсалар ҳам жуда ўринли иш бўлар эди. Умуман йилнинг қайси фаслида бўлмасин болаларни катта майдонда тўп суришга ўргатиб бориш керак. Ана шундагина Г. Красницкий, Э. Абдураимов, В. Солохо, А. Якубик, В. Хадзипанагис каби чаққон тўп ураралар командаси етишиб чиқади. «Пахтакор» ҳам ўз мавқеини яна тиклаб олади. Футболчи бўлмасам-да, шаҳримиз жамоаларининг тақдири мени бефарқ қолдирмайди. Шу ишга мутасаддилар футбол ишқибозлари фикр-мулоҳазаларини қўллаб-қувватлайдилар деган умиддаман.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси.

Куйи жисмоний тарбия бўғинларида

КОРХОНА КОМАНДАСИДАН УМИД КАТТА

Маълумки, яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди. Бу қарор нафақат республикамизнинг олий, биринчи, иккинчи лига жамоалари, балки корхона ва муассасалардаги ишчилар командаларига ҳам катта масъулиятлар юклайди. Чунки улар худди болалар футболи каби футболимиз «пойдевори»ни мустаҳкамлашга бекаму кўст хизмат қиладилар.

Биз ана шундай завод футбол командалари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашишни республикамизнинг йирик корхоналаридан бўлган «Тошқишлоқмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг оммавий ва ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Давлат Саидовдан илтимос қилдик.

— Кўпчилик ишчилар футбол командаларига «иккинчи даражали» деб панжа ортидан қараб келишади. Бу биз йўл қўяётган асосий камчиликдир, — дейди Давлат ака. Агар ана шундай кишилар жумласига завод ёки бошқа ташкилот раҳбарлари ҳам кирадиган бўлса, иш пачава бўлди, деяверинг. Лекин бизнинг заводимиз раҳбарияти, хусусан директоримиз Владимир Карлов спортни жуда севади, ишчилар билан қўшилиб тўп ҳам тепади, теннис, баскетбол ҳам ўйнайверади.

Энди бевосита завод футбол командалари ҳақида гапирадиган бўлсак, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, агар бу қуйи жамоалар ўз моддий негизларини мустаҳкамлаб ўйинчиларини сақлаб қола олса, улар ҳам юксак чўққиларга эришишини бемалол кузатиш мумкин. Келинг, узоққа бормайликда, яқин ўтмишдаги собиқ Иттифоқ биринчилигини эслайлик. У ўзининг нуфузи эҳтиётдан «кичик жаҳон чемпионати» ҳисобланиб, унда ҳар бир республикадан саноқли командалар иштирок этарди. Жумладан, Москва автомобиль заводининг «Торпедо» командаси ҳам олий лига аъзоси эди. Мухлисларга унинг биринчилик ва Европа Кубоклари баҳсида эришган ютуқларини эслатиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Биргина 1988 йил 60 минглик томошабинни йиққан Марказий стадиондаги Кубок баҳсида етакчи жамоамиз «Пахтакор»дан бош совринни олиб кетганлигини эслаш кифоядир. Бундай команда ўзимизда ҳам бор. У Тошкент трактор заводига қарашли бўлиб, мустақил чемпионатимизнинг олий лигасида муваффақиятли тўп суриб келаётган «Трактор» командасидир. Албатта, унинг зафарли юришлари ҳали олдинда. Шундай бўлса-да, унинг олий лигада ўйнаб келаётганлиги завод командаларининг истиқболини намойиш қилиб турибди.

— Давлат ака, ўзингизнинг футбол командаларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Бирлашмамизнинг «Тошқишлокмашчи» номи билан юритиладиган футбол командаси бор. У ўз ўйин ва машғулотларини Невская кўчасидаги ўйингоҳда ўтказади. Командамиз билан туман биринчилиги ҳамда завод ва ташкилотлар ўртасида ўтказиладиган пойтахт мусобақаларида қатнашиб келамиз. Мақташга арзигулик ютуқларимиз ҳам бор. 1992 йили Чимкентда ўтказилган ишлаб чиқариш корхоналари футбол жамоалари ўртасида халқаро турнирнинг финалида майдондаги ҳакамнинг хатоси билан дарвозамизга пенальти белгиланиб, 1:0 ҳисобига ютқазиб қўйганмиз. Россиянинг Барнаул шаҳрида ўтказилган ана шундай мусобақада эса, Екатеринбургнинг бугунги кунда олий лигада тўп суриб келаётган «Уральмаш» командаси билан дуранг (2:2) ўйнаганмиз. Биз бу турнирда «Энг интизомли команда» совринини қўлга киритиб, келгуси 1993 йили Беларуснинг пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги халқаро мусобақага таклиф этилганмиз. Лекин беларуслар юртида кетма-кет иккита ўйинни бой бердик.

1994 йили Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар Ҳамза туман қўмитаси томонидан ўтказилган 16 жамоадан иборат туман биринчилигида биринчи ўринни эгаллаганмиз. Келгуси йили эса финалда солиқ инспекцияси командасига 1:0 ҳисобига ютқаздик. Ҳар йили қишда цехлараро мини футбол мусобақаларини ўтказиб турамиз. Баҳорда — Наврўз байрами арафасида эса туман биринчилигида иштирок этамиз. Бизнинг командамиздан яхши ўйинчилар етишиб чиқишган. Улардан Хайрулла Абдиев олий лиганинг «Янгиер» жамоасида, Икром Норчаев эса Қашқадарёнинг шу йил биринчи лигага чиққан «Гузор» жамоаларида тўп сурмоқдалар.

— Ишлаб чиқариш корхоналарида футболни янада ривожлантириш учун нималар қилиниши керак деб ўйлайсиз?

— Биринчи навбатда, менимча, уни кенг тарғибот қилиш керак. Эсимда бор, 60-70-йилларда «Пахтакор» стадионида ўйин бўладиган бўлса, шу куни заводда кўтаринки руҳ ҳукм сурарди. Ўша куни касаба уюшмасидан бир вакил ўйингоҳга бориб, чипталар олиб келишарди-да, цех ва бўлинмаларга тарқатиб чиқиларди. Ўйин бошланишидан бир соат олдин заводдан автобуслар уюштирилиб, стадионга мухлисларни олиб кетарди. Агар «Пахтакор» ютиб қолгудек бўлса, бу байрамона руҳ эртасига ҳам завод цехларини тарк этмасди. Ана шу кунлари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам юқори бўларди. Кимдир: «Ҳозир олдинги «Спартак», «Динамо» (Киев) ва «Днепр»лар йўқ-да» деб эътироз билдириши мумкин. Мустақиллигимиз шарофати билан уларнинг ўрнига жаҳоннинг энг кучли терма команда ҳамда клублари ташриф буюришмоқда. Футбол федерациямиз ФИФАга қабул қилинди, терма жамоамиз Осиё биринчиликларида ғалаба қучмоқда. Мухлислар сони энди янада ошаверади.

Иккинчидан, завод командаларини оёққа турғазиш учун албатта анчагина маблағ керак. Футбол ҳам бизнеснинг бир тури эканлиги ҳақида кўп гапирилмоқда. Шу боис унга дастлабки маблағни бош ҳомий сифатида завод маъмурияти ажратиши керак.

Сухбатни
Нарзулла ҲАМРОЕВ
ёзиб олди.

Олий ўқув юртларида

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Тошкент Давлат техника университетида шу олий ўқув юртининг ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг шарқшунослик, тилшунослик институтлари ва Тошкент Давлат университети олимлари билан ҳамкорликда талабалар иштирокида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 555 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда адабиётшунос ва тилшунос олимлардан Э.Умаров, М.Миртожиев, Б.Вафоев, Г.Мансурова, С.Исломбекова ва бошқалар сўзга чиқиб Навоий фалсафасининг кўлами, унинг тилшунослигимизнинг ривожидаги буюк ҳиссаси, инсонпарварлик ғояларининг жаҳон маданияти ривожига таъсири, ўша замон ижтимоий-сиёсий муаммоларининг буюк мутафаккир асарларида акс этиши масалалари ҳамда улуғ шоирнинг фаолиятига оид илмий изланишларнинг айрим қирралари хусусидаги батафсил маърузалари семинар қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, анжуман давомида ўзбек, рус, озарбайжон, корейс ва бошқа миллат вакилларидан иборат талабалар ўзбек тилида Навоий ғазаллари, афоризмларидан намуналар ўқидилар. Буюк мутафаккиримизнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид саҳна кўринишларини ижро этдилар.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

The British Council Information Centre

The British Council, with offices in over 100 countries, is reponsible for promoting a wider knowledge and understanding of Britain through cultural, educational and technical assistance. A new office is currently being set up in Tashkent which requires an **Information Centre Manager**.

Essential qualifications are:

- Good spoken and written English
- A university degree
- Good organisational and management skills
- Familiarity with office automation systems

Interested candidates should meet Dr Dorothy Bond in room 30 of the Language Learning Centre at 48 Navoii Street, Chorcu between 1600-1800 hours from 19-22 February (inclusive) to receive further information. The closing date for applications is 23 Feb. Interviews will be held in Tashkent on Tuesday 27 Feb.

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ИМТИЁЗЛИ ҲУҚУҚҚА ЭГА БЎЛГАН

МАИШИЙ ИСТЕЪМОЛЧИ-МИЖОЗЛАР ДИҚҚАТИГА!

Электр энергиясидан фойдаланишдаги имтиёзингизни биринчи бор ёки қайта расмийлаштириш учун қуйидагилар кераклигини эслатиб ўтамиз:

— электр энергиясидан фойдаланишда имтиёзли ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат (иш жойидан маълумотнома, гувоҳнома, меҳнат дафтарчаси ва ҳ. к.);

— имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахснинг имтиёз расмийлаштирилаётган хонадон рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат (шахсий паспорт ёки уй дафтарчаси);

— электр энергияси ҳақи тўланганлигини кўрсатувчи барча тўлов тасдиқномалари билан биргаликдаги абонент китобчаси.

Электр энергияси учун ҳисоб-китоб қилишда ҳар хил англашилмовчиликларни олдини олиш мақсадида имтиёзингизни ўз вақтида расмийлаштиришингизни сўраймиз.

Манзилимиз: Сирғали тумани, «Спутник-6», 9-уй. Ҳамза тумани, Фигельский кўчаси, 3-уй.

Қабул кунлари: якшанбадан ташқари, ҳар куни соат 8.00 дан 17.00 гача.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ.

The American Embassy is seeking candidates to fill the vacant position of a **General Services Clerk** with basic responsibility to act as sub-cashier, expendable supply manager and receiving officer, and to assist in keeping files and other clerical support to the General Services Section. Requirements: fluent knowledge of English, operational knowledge of American software (Microsoft Word and Microsoft Excel). Previous clerical experience is preferred. Application forms (to be obtained from the Embassy) should be submitted within ten days from the date of this ad. Address: 82 Chilanzarskaya St. Tashkent.

ТАШКИЛОТЛАР, ИДОРАЛАР, ҚЎШМА ВА КИЧИК КОРХОНАЛАР, ФИРМА БОШЛИҚЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент почтаси» корхонасида тезкор элтиб берувчи хизмат ташкил қилиниб, у Сизнинг реклама, ҳужжат, маҳсулот намуналари ва бошқа жўнатмаларингизни Тошкент шаҳри доирасида қўлдан қўлга 1-3 соат давомида етказиб беришни таъминлайди.

Тўлиқ маълумотлар 33-68-23 рақамли телефон орқали берилади.

«ТОШКЕНТ ПОЧТАСИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ

Акробатика-гимнастика соҳасида спорт тайёргарлиги бўлган маҳаллий миллат ёшларини томошабинларга машҳур бўлган Халқ ва Ўзбекистон халқ артисти Ҳаким Зарипов раҳбарлигидаги «Ўзбекистон йигитлари» аттракционига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов циркнинг маъмурий биносида шу йилнинг 19 ва 23 февраль кунлари соат 10.00 да ўтказилади.

«ЎЗСАНТЕХГАЗМОНТАЖ» ТРЕСТИ ЖАМОА КОРХОНАСИ

Тошкент шаҳрида қурилаётган объектларда ишлаш учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича юқори малакали ишчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

—газпайвандчилар;
— газэлектрпайвандчилар;
— сантехсистемалар монтажчиси;

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли бўлиб, 3.000 сўм ва ундан юқори.

Манзилимиз: «Ўзсантехмонтаж» трести. Чимкент кўчаси, 17.

Телефон: 56-06-34.

1-монтаж бошқармаси — Пионер кўчаси, 3 «а». Телефон: 77-00-47.

2-монтаж бошқармаси — Уйғур кўчаси, 562 «а». Телефон: 43-18-92.

3-монтаж бошқармаси — Радиальний кўчаси, 12 «а». Телефон: 48-47-46.

«Газмонтаж» монтаж бошқармаси — Усмон Носир кўчаси, 140-«а». Телефон: 50-03-86.

Тошкент вилоят хўжалик ҳисобидаги бўлим — Қорасарой кўчаси, 326. Телефон: 48-33-11.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
TOShKENT OQShOMI

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
ХАТЛАР — 33-29-70;
ЭЪЛОНЛАР: 33-81-42, 36-57-27.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ◆ Буюртма Г-067. ◆ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ◆ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ◆ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ◆ Босмага топшириш вақти 11.30. ◆ Босишга топширилди: 11.30. 1 2 3 4 5 6.